



САОДАТ

1925 йилдан чиқа бошлаган

3
2020

Юртимизда
бахор

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларини қўтлаймиз 2020

Қорақалпоғистон Республикаси



Ибрагимова Назокат
Мухторовна – Қорақалпоқ
давлат университетининг 1-босқич
магистранти

Нуратдинова Динара
Елубай қизи – Нукус давлат педа-
гогика институтининг 2-босқич
талабаси

Андижон вилояти



Абдумўминова Нигора
Ихтиёровна – Андижон
машинасозлик институтининг
4-босқич талабаси

Нўъмонова Зулфира
Иқболжон қизи – Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти универси-
тетининг 4-босқич талабаси

Бухоро вилояти



Ражабова Нилуфар
Комилжоновна – Ўзбекистон
Миллий университетининг
2- босқич талабаси

Холиқова Нозима
Неъматиллоевна – Бухоро
давлат университетининг
таянч докторанти

Жиззах вилояти



Ибрагимова Вазира Хусан қизи –
Ўзбекистон халқаро ислом академия-
сининг “Маърифат ва ҳикмат” масъу-
лият чекланган жамияти муҳаррири

Илҳомова Севара Даврон қизи
– Жиззах политехника
институтининг 3-босқич
талабаси

Қашқадарё вилояти



Норчаева Мадина Норчаевна
– Камолитдин Беҳзод номида-
ги Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг 2-босқич талабаси

Олимжонова Бегойим Мансур қизи
– Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз
туманидаги 42- умумий ўрта таълим
мактабининг 11- синф ўқувчиси

Навоий вилояти



Омонбоева Мерей Эрали қизи –
Навоий давлат педагогика
институтининг 4- босқич
талабаси

Сапарова Ситора Шайдулло қизи
– Навоий вилояти Хатирчи туман-
идаги 5- умумий ўрта таълим
мактабининг 11- синф ўқувчиси



Муаззам Шарф намоёнди сенинг поэтиза жонингда

А

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Зулфия

(1915–1996)



ЭМИШ...

Эмиш: шуҳрат ўраб кемтик қисматим
Кўзлардан узоқда сирқираб оқар.
Қалбда қўргошиндай ётиб ҳасратим,
Кўзларим жаҳонга бахтиёр боқар.

Эмиш: ҳаёт менга аёл бахтидан
Тўлиқ косасини кўрмапти лойиқ.
Лекин қалбим тўккан шеър шуҳратидан
Бахтли аёл дермиш мени халойиқ...

Танда қўргошин-ла юрганлар озми?

У жангчи танида, аёл дилида
Қарийб чорак аср зангламай ётар.
Бахтнинг минг жилосин берган элида
Ҳар бир жон жаҳонга толе ёр боқар.

Лиммо-лим қисматга бўлмаганлар ёр
Кемтиклик ҳасратин биларми дардин?
Қалбни безаб кетган ишқда зўр бахт бор,
Юрак унутарми олтин дамларин?

Аёл бахти!

Мендай аёл бахтига
Тақдир маликани кўрганми лойиқ?
Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...

1965

Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади

**Президентимиз
Шавкат Мирзиёев
Хоразмга сафари чоғида
Янгиариқ туманидаги
“Global Food Impeks”
масъулияти чекланган
жамияти томонидан
ташкил этилган
замонавий иссиқхонани
кўздан кечирди.**



“Global Food Impeks” МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиариқда қуриладиган 10 гектарлик иссиқхонани эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав “Юсупов” навиға ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қулайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида етказиб борилади. Куни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган махсус ўрамга экилади. Томчилатиб суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. “Global Food Impeks” МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Биз-

да ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланиши мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озуқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўмгача ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрита олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик,

ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шуғулланади.

Юртбошимиз Янгиариқ туманидаги “Хоразм пилла холдинг” корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрафда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиариқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган “Хоразм пилла холдинг” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиги ишлаб чиқарилади, 50 дона замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда “Хоразм ипаги”, “Khiva silk fabric”, “Urganch silworn pro” ва “Хоразм пилла холдинг” каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

“Хоразм пилла холдинг” корхонаси жорий йил охирига қадар “Afghan Bazar Garpets” хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан кўлда гилам тўқиш цехи очишни режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тутзорлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйили-



ши керак. Бу жараёнга асосан тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни кўпайтирамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг “STEAM” дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратади.

2019-2020 ўқув йилида 5-10-синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Мана шундай масканларда кўплаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, – деди Шавкат Мирзиёев.

ЎЗА маълумотлари асосида тайёрланди.



Янги Ўзбекистон бағрида яшараётган Хоразм чизгилари...

Уларнинг индаллоси – Хоразмнинг асл ўғлони, Ватаннинг шерурак баҳодири, юрт озодлиги йўлида жонини тиккан буюк саркарда Жалолоддин Мангубердиннинг жанговар ҳаёти, деярли, от устида ўтгани тарихлардан аён.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг “Ўзбекистон – Ватаним маним” қасидасида:

*Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди будда, ўтди зардуштий,
Ҳар учраган ноқасу нодон
Она халқим, ёқангдан тутди,
Сени Чингиз вазабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан,
Жалолоддин самани бўлиб.
Сакраб ўтдинг Амударёдан!
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон – Ватаним маним.*

– дея юрагимизга нақш этганидай, юрт шаъни ва ор-номусини юрагида тугдай асраган улуғ бобомизнинг ҳаёти, деярли, от устида ўтган.

Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида Жалолоддин Мангубердиннинг от устида жангга шайланган ҳолатдаги ҳайкалини барпо этиш тўғрисида фикр билдирганларида юраклар ғурурдан бир қалқиган эди. Ташриф давомида Юртбошимиз ҳайкал ўрнатиладиган майдонни ва унинг макетини кўздан кечириб, тавсияларини бердилар: “Бу ҳайкалга назар ташлаганда, нафақат юртдошларимиз, балки, четдан келган кишиларнинг ҳам юрагига титроқ тушиши керак!” деб таъкидладилар.

Хоразм санъатининг гултожи бўлган “Лазги” фестивалини халқаро миқёсда ҳар сафар Хоразмнинг бир туманида ўтказиш тўғрисидаги таклифларидан барчамиз қувондик. Бу афсонавий куй яқинда мухтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ЮНЕСКОнинг моддий неъматлар рўйхатига олинган эди. Санъатимиз жонкуяр-

лари қалбидаги бу шукуҳ ва шукроналик тафтидан кўнгиллар ийиб, диллар ҳароратланиб турганда, Президентимиз томонидан Хоразм “Лазги”сига кўрсатилган бу қадар эътибордан санъатсевар халқимиз беҳад қувонди.

“Лазги” бугун бутун мамлакатимиздаги энг катта байрам танталарининг авж нуқтаси, уни барча юртдошларимиз бирдек яхши кўради. “Лазги” элларни элларга, дилларни дилларга туташтирувчи, дўстлик, меҳр, иқбол ва саодат сингари энг покиза, энг олижаноб туйғуларни пайванд қилувчи сеҳрли наво, барчага баравар шодлик, куч-ғайрат улашувчи мўъжизавий оҳангдир!

Дарвоқе, асрлар давомида ҳеч ким бу куйга сўз боғлашга журъат этмаган. Ўзбекнинг оташна-фас ҳофизи, булбулзабон Комилжон Отаниёзов илк бора уни сўз билан ижро этиб, “Лазги”нинг иккинчи умрига асос солдилар... Ҳозирда “Лазги”нинг тўққиз тури бор, бири-биридан жозибадор, бири-биридан жўшқин! Эндиликда мухтарам Президентимизнинг эҳтироми, беқиёс ташаббуслари билан “Лазги” тарихида мутлақо янги, нурли саҳифа очилади-ган бўлди!

“Лазги”миз тўйи озод ва обод Ватанимизнинг, ўз ҳаётидан рози, мамнун ва бахтиёр халқимизнинг муборак шодиёнасига, эзгулик ва тотувлик, тинчлик ва қувонч тантанасига айланади.

Бу қутлуғ ташрифда айтилган фикрлар бугун воҳадаги ҳар маҳалла, ҳар оилада давом этмоқда. Бу суҳбатлар тўлкинида юраклар, тафаккурлар уйғонмоқда. Бу уйғониш эртага ҳаётимизга фаровон ҳаёт, саодатли онларни бошлаб келиши, шубҳасиз.

**Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.**

Янги минг йилликнинг йигирманчи баҳори хоразмликларга хуш келди. Муҳтарам Президентимизнинг 12-13 мартдаги икки кунлик сафари давомида қадимий ва навқирон воҳадаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазият чуқур, одилона таҳлил қилинди. Энг муҳими, вилоятни бутун мамлакатимизда кечаётган шиддатли янгиланишларга монанд равишда ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқиш, бу заминнинг меҳнаткаш, фидойи халқини рози қилиш, аҳолининг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги долзарб вазифалар, бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон бағридаги янги Хоразмнинг истиқболдаги қиёфаси башорат қилинди...

Дарвоқе, буюк хоразмийлар юрти...

Биз мазкур мақолада давлатимиз раҳбарининг қутлуғ қадами билан буюк хоразмийлар ворисларининг маънавий-маданий ҳаётида яқин истиқболда содир бўладиган тарихий ўзгаришлар, уларни кутаётган залворли бунёдкорликлар ҳақида тўхталишга жазм этдик.

Муҳаббат лаҳжасида сўйловчи санъат

Мақом санъати бизга улуг аждодларимиздан қолган маънавий мерос. Гарчи ҳар бир давр билан бирга бу санъатда нимадир сайқалланиб, нимадир янгиланган бўлса-да, мақомнинг илдири узоқ даврларга бориб туташади. Биз мақомнинг қудратбахш оҳангларида қадим халқимизнинг кучли, ҳаётсевар руҳиятини ҳис қиламиз. Ўзбекистон давлат консерваторияси “Мақом хонандалиги” кафедраси ўқитувчиси Мамлакатхон УЛАШЕВА билан суҳбатлашар эканмиз, бу қадим санъатнинг яшовчанлик сабабларини илгашга ҳаракат қилдик.



– Мақом санъати ёши улугларга хос деган қараш йўқ эмас. Сиз нима сабабдан ўзлаштириши, ўрганиши ва тингланиши ҳам у қадар осон бўлмаган мақом йўлини танладингиз?

– Эҳтимол, қайси бир даврларда шундай нуқтаи назарлар бўлгандир. Аммо ҳозир мақом барча санъат турларидан баландроқ қадрланаётганга ўхшайди. Бу, албатта, мамлакатимизда мақом санъатига берилаётган эътибор билан ҳам боғлиқ. Қашқадарёда бўлиб ўтган Халқаро мақом фестивали бу қадим санъатнинг қадрини бир неча баробар кўтариб юборди. Турли миллатлар, айниқса, туркий тилли халқларнинг ижро этган ашулалари бу санъат турининг туйғулар тарбиячиси эканлигини, улуг қадрият эканлигини намойён қилди. Мумтоз ашулаларнинг моҳиятини эртароқ англай бошлашимга онам Дилбар ая сабабчилар. Улар мусиқа ўқитувчиси. Ўсмир ёшимдан оҳанглар, овозлар ичида улғая бордим. Турли кўрик-танловларга тайёргарлик жараёни, ғазал сеҳри, мумтоз куйлардаги мукамаллик мени мақомга маҳкамроқ боғлади.

– Инсоннинг эришган ютуқлари ҳаёти давомида пиллапоё бўлиб хизмат қилади. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг фаолиятингизга таъсири қандай?

– 2002 йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилдим. Мукофотгача мен шунчаки мумтоз ашулалар мафтуни эдим, холос. Жамиятдаги ўрним ҳақида ортиқча ўйлаб ўтирмасдим. Мукофот менга истеъдодимга яраша жамиятда ўрин топишимга ёрдам берди. Оддий талаба даражасидан ўқитувчи, устоз мақомига кўтарилишим бу йўлда ўзимга талабчанлигим, қадамлаётган йўлларимни онам, устозларим назари билан баҳолаб турганим сабаб бўлди.

– Дарвоқе, устозларингиз... Сизнинг ютуқларингизда устозларнинг ўрни?

– Мақом санъатида устоз ва шогирдлик алоҳида аҳамиятга эга. Чунки биз, деярли, янги нарсаяратмаймиз, балки, аввалги созандаю ҳофиз, ҳофизалар маромига етказиб ижро қилиб кетган, халқ кўнглидан ўрин олган мумтоз ашулаларни ёш овозимиз, ёш туйғуларимиз билан жилолантириб янгидан қуйлаймиз. Такдир менга Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевадек мукамал мақом устасини устоз сифатида раво кўрганидан беҳад бахтлиман. Уларнинг талабчанлиги, меҳри, ўзимнинг мақом санъатига бўлган чексиз ҳурматим боис шундай ютуқларга эришяпман. Бу ютуқларда ўзимдан кўра ҳам устозимнинг меҳнатлари катта эканлигини алоҳида эътироф қиламан.

– Саҳнада ўзингизни кўпроқ ҳофиза деб тасаввур қиласизми ёки халқимизнинг миллий санъатини тар-

ғибот қилаётган фуқаро сифатидаги масъулиятингиз юки залворлироқми?

– Илк хорижга йўлим Индонезия мусиқа академиясида ўқишимдан бошланган. Индонез аъъанавий мусикаси ва Ислом мусикаси йўналишида таълим олганман. Хориждан қайтганимдан сўнг мен ёшлигимдан ҳавас қилиб юрадиган “Ўзбегим ёшлари” ансамблида фаолият бошлаганман. Турли йўналишларда ижод қилувчи тенгдошларим билан биргаликда Хитой, Ҳиндистон, Франция, Туркия, Италия давлатларида халқаро фестивалларда қатнашганмиз. Ҳар бир фестивал ўзгача шукуҳ, ўзгача куч берар эди. Албатта, биз ҳар бир давлатга ўзбекистонлик ёшлар нафасини олиб киришга ҳаракат қилар эдик. Саҳнада ўзимни, аввало, Ўзбекистон фуқароси, кейин ҳофиза сифатида тасаввур қилганман. У ерда турмуш ўртоғим Дилшод Али билан танишиб, турмуш курдик. Фарзандли бўлдик. Кейинчалик биргаликда раққоса, хонанда, созандалардан иборат “Нурафшон” ва “Барчиной” болалар ансамбллари ташкил қилдик. Жажжи қизалоқларимиз Анталия, Мармарис, Хитой, Малайзиядаги фестивалларда иштирок этиб, ёшларига яраша муваффақият қозониб қайтишмоқда. Ўзим ҳали ёшман, ўзим шогирдман. Лекин шогирд етиштириб, уларнинг ютуқларини кўриш бу катта бахт экан. Санъат ҳам спорт каби халқни дунёга танитади, тан олдиради. Биз халқимизнинг кимлигини намойиш қилишдек юксак вазифага хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз.

– Келинг, энди ошлага қайтамиз...

– Турмуш ўртоғим билан бир соҳада эканлигимиз менин яна бир бахтим. Менинг машаққатларим унинг ҳам машаққатлари. Биз кечкурун жамиятга эшик ёпиб, уйга кириб кетмаймиз. Санъат ҳақидаги суҳбатларимиз ҳатто, репетицияларимиз уйда давом этади. Балки, одамлар қалбига куч берадиган, маънавий тарбия ато этадиган санъат дарчаси орқали дунёга қараганимиз бизни жуда кўп яхшиликлар доирасида ушлаб туради. Биз кўшиқлар, айниқса, мумтоз оҳангларнинг инсонлар қалбини поклашига ишонамиз. Шу ишонч билан қуйлаймиз. Одамларнинг қалбини муҳаббатга, унинг қувончларига, соғинчга, унинг оташларига тўлдиргимиз келади. Шунда ҳаёт завқлироқ бўлади.

– Ниятларингиз ўзингизга ўйлош бўлсин. Мақомлар ранидан, оҳангларида ҳар бир юртдошимиз қалбида эзгу ҳиссиётлар уйғонаверсин...

Д. НУРМУРОДОВА суҳбатлашди.



Азизим, лобарим, севаримсизлар...

Бу жарангдор сўзларни эшитишимиз билан халқимиз томонидан вафо ва садоқат тимсоли сифатида эъзозланаётган улуғ устозимиз Зулфияхоним кўз олдимизга келади. Ҳа, шоиримиз юртимиз аёлларини қалбларига жуда яқин олар эдилар. Бисотидаги энг ҳароратли, энг файзли сўзлар билан уларни эркалатар, севар, юзма-юз келганида аёлларни қандайдир мезонлар билан ўлчаб, ажратмас, барчасини барабар бағрига босар, яхши гаплар билан кўнглини кўтарарди. Бугун ҳам опа-сингилларимиз эъзозланаётган давраларда биз учун қадрият бўлган ана шундай руҳиятнинг давом этаётганидан қувонамиз.

Муҳтарам Президентимизнинг Фармонларига кўра, жамиятда соғлом муҳитни барқарорлаштириш борасида фидокорона хизмат қилган, оилада, фарзанд тарбиясида бошқаларга ўрнак бўлаётган аёллар меҳнатини муносиб қадрлаш учун “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилган эди. Яқинда бу йил ана шу мукофотга лойиқ кўрилган 287 нафар опа-сингилларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

– Мустақил мамлакатимиз – она Ўзбекистонимизнинг бугунги юксалишида опа-сингилларимизнинг муносиб ўрни бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 48, Сенатда 24 нафар хотин-қизларнинг фаолият олиб бораётгани, 16 нафар аёлларимизнинг Ўзбекистон Қаҳрамони мақомида кўпларга ўрнак эканлиги, 6 нафар академик ва 514 нафар фан докторларининг илмий изланишлар қилаётгани салоҳиятли, жонкуяр хотин-қизларнинг жамиятимизда нечоғлик катта кучга эга эканлигини кўрсатади, – деди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари **Эльмира Боситхонова** анжуманни очар экан.

Фахр билан айтилаётган ушбу рақамларга бошқа соҳаларда садоқат билан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз сановини қўшиб ҳисобласак аёллар жамиятнинг залворли юкини ўз елкасида кўтараётганига гувоҳ бўламиз.

Бугун “Мўътабар аёл” шарафига муносиб кўрилганлар ҳам ана ўша фидойи сафда. Улар орасида йиллар давомида маънавий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларнинг пешқадамларидан бўлиб келган Дилбар Фуломова, Фарида Абдурахимова, Ойниса Мусурмонова, Гулчеҳра Охунова, Тўти Юсупова, Дилбар Маҳмудова, Муҳтарама Улугова каби опа-сингилларимиз қаторида Каромат Тошниёзова, Муаззамхон Собирова каби ишчи аёлларнинг бор эканлиги бизнинг жамиятимизда меҳнат қилган инсон борки, албатта, қадр топишини далиллайди. Бундай юксак эътибордан қувонган, қалблари ҳаяжонга тўла аёллар билан суҳбатлашар эканмиз, қадр, эҳтиром туйғуси инсонга қанчалар куч-қувват, баланд орзулар бахш этишини яна ҳам теранроқ англадик.



– Мен 48 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасида ишлайман. Раҳматли Комил Яшинга котиба вазифасида иш бошлаганман. Кўп йиллардан буён кадрлар масаласи бўйича фаолият олиб бораман. Ўтган йилларда қанча ёзувчи, шоирларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига эришди. Уларни ҳужжатлаштириш ишларида қанча керак бўлса, шунча елиб-югурганман. Қилган меҳнатларимга сира ҳам афсусланмайман, аксинча, ижодкорлар ҳаётига дахлдорлигимдан фахрланаман. Бугун олий маълумотли бўлиб, жамиятимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган тўрт нафар ўғилларимнинг ризқини шу касб орқасидан топганман. Келинлар олдим, неваралар кўрдим, барча қувончларимда қадрдон жамоам ёнимда бўлган. Бугун мени “Мўътабар аёл”лар қаторига муносиб кўришган экан, бошим осмонга етди. Бизни ота-оналаримиз яхшиликка яхшилик билан жавоб қилишга ўргатишган. Мен ҳам бу баланд эътиборга хизматдаги, оиладаги муваффақиятларим билан жавоб беришга ҳаракат қиламан, албатта, – дея қалбидан шу лаҳзаларда кечаётган кечинмаларни изҳор қилди Дилбар Турсунова.



Риштонлик Израбо Усмонованинг “Муътабар аёл”лар сафига муносиб кўрилгани бу саховатпеша аёлнинг кўп-ларга ўрнатқучлик ҳиммати билан боғлиқ. У тадбиркорликнинг даромадини кўп йиллардан буён муқаддас Ҳаж зиёратига бориш учун йиғарди. Кун келдики, у бу маблағни эски уйларидаги ўрнига янги иморат тиклашга қўли қисқалиқ қилиб турган элдошларига ёрдам сифатида тарқатиб берди. Энди бу аёлни совуқ кунларга қолмай болачақаси билан иссиқ хонадонларга кўчиб олган риштонликлар ҳам, бу эзгуликни эшитган бошқалар ҳам хожи она мақомида қадрлаётганлари, шубҳасиз.



“Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди”. Бугун бу шиор фақат урушда ҳалок бўлганларга нисбатан эмас, тинч замоннинг фидойилари учун ҳам қўлланилмоқда. Сурхондарёлик адиба Жамила Эргашева “Интиқом”, “Қир устидаги аёл” каби кўплаб асарлари билан маънавий тарбияга муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёл эди. Вафотидан сўнг унга берилган мукофотни синглиси қабул қилиб олди.

– Отам вақтни жуда қадрлар эди. Ҳар бир сониясини яхши бир асарнинг бирор саҳифасини ёзишга, ўзи кўп йиллар бош муҳаррирлик қилган “Аёл ва замон” газетасига материаллар тайёрлашга ёки ёнига кўмак сўраб келган бирорта аёлнинг ҳолатини чиқаришга сарфларди. Биз – жигарлари, қариндош-уруғларга ҳам жуда меҳрибон эди. Бугун ўғли Жамшидбек, келини, неваралари Жўрабек ва Фарангизларда опамнинг гўзал фазилатларини кўриб қувонаман, – дея ёзувчи оиласи номидан миннатдорлик билдирди Ҳадича Қабулова.




Давлат божхона қўмитаси инспектори, божхона хизмати подполковниги Лобархон Турсунова йигирма йилдан буён бир соҳада хизмат қилади. Унинг ҳам ҳаяжонлари бир олам:

– Мен божхона хизмати ходимларининг моддий таъминотини ташкиллаштириш йўналишида фаолият олиб бораман. Бу соҳа хизматчиларининг мамлакатимиз ҳаётида жуда катта ўрни борлигини ҳар дақиқада ҳис қилиб тураман. Ўғлонларимизга улардан сезгирлик, фидойилик каби фазилатлар ўтса, деб орзу қиламан. Ўзим икки ўғилнинг онасиман, касбим билан боғлиқ интизом, қатъият каби хусусиятлар фарзандларимга ҳам кўчаётганидан хурсандман...

“Муътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлган аёлларнинг ҳар бирининг босиб ўтган йиллар ва йўлларида жамиятнинг юкига елка тутган, тутаётган комил фарзандлар, соғлом оила ва шарафли меҳнат ютуқлари бор. Жамиятимиз улар ва уларга ҳавас қилган, улардан намуна олган инсонлар билан юксалиб бораверади.


Қутлибека РАҲИМБОЕВА

МЕНИНГ мактабларимдан бири



90-йилларда бир муддат “Саодат” журналида ишлаганман. Ҳамон у кунларни соғинч билан эслайман. Чунки бу даргоҳда фаройиб бир ижодий муҳит бор эди. Айни шу ижодий муҳит бизга кўп нарса берди. Ҳалима Худойбердиева бош муҳаррир, мен бош муҳаррир ўринбосари эдим. Бу давр менинг ҳаётимда бир мактаб бўлган десам муболаға бўлмайди. Каттагина бир ижодий гуруҳ эдик. Кун келиб бу ижодий гуруҳдагиларнинг, деярли, ҳаммаси юртнинг таниқли одамлари бўлиб етилдилар.

У замонлар “Саодат” журнали жуда катта ададда босилар эди. Мақолалар ҳам шунга яраша бўлиши керак эди. Биз кўпроқ ўзбек аёлининг дарду ташвишлари, муаммолари, қайғу-изтиробларини ёритиб беришга ҳаракат қилганмиз. Чунки мустабид тузум исканжасидан эндигина қутулган аёлларимиз ҳали қаддини кўтариб ололмаган эдилар. Улар эски замоннинг бешафқат армиясида ўлдирилган ўғилларининг доғида куяр, пахта қуллиги келтириб чиқарган касалликлардан азоб чекишар, хуллас, хорлик ва зорлик кўравериб, букилиб қолган эдилар. Бош



муҳарриримиз Ҳалима опа бу дардларни теран ҳис қиларди. Бунининг ўша пайтларда ёзган шеърларидан билса ҳам бўлади:

**Бирлашмадинг, кетма-кет бало келди, ўт келди,
Тоғдай йигитни солиб лопиллаб тобут келди.
Сув бўлиб оқдик, кўздан жола келди, хут келди,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йиғладим.**

Шунинг учун Ҳалима опа жамиятдаги оғриқли муаммоларни журналда кўтариб чиқишга, одамларимизни уйғоқлик ва ҳушёрликка чақиришга даъват этарди.

Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак, ўша пайтларда “Саодат” журнали тахририяти шоирлар ва адиблар тез-тез келиб турадиган даргоҳга айланган эди. Ёзувчилар уюшмасининг кичик бир филиали бўлиб қолганди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Йўлдош Эшбек, Мирзо Кенжабек, Абдували Қутбиддин, яна кўплаб шоирларимиз ва адибларимиз билан бу ерда катта гурунлар бўларди. Дарвоқе, журналга Шукур Холмирзаев ҳам келиб турарди. Бу эса журналдаги ижодий муҳитга яхши таъсир кўрсатган. Бир нарса аниқ: шоирлар ва адиблар серқатнов бўлган тахририят, шубҳасиз, яхши тахририят бўлади. Зеро, қайда ижодий руҳ баланд бўлса, улар ўша ерга боришга мойил бўладилар.

“Саодат” биз учун кадрдон журнал. Қарийб юз йил давомида оналаримиз, опа-сингилларимизга ҳамроҳ, ҳамсухбат, ҳамдард бўлиб келган онахон журнал. Уни ўтган асрнинг 30-йилларида момоларимиз ўқишган, 40-йилларида жуфти ҳалоллари урушга кетиб, соғинчдан ичи куйган аёллар ўқишган, 60-йилларда пахта даласи бошида бешик тебратган қорғин оналар ўқишган. 90-йиллардан сўнг истиқлол билан баравар қаддини тиклаган хотин-қизларимиз ўқишган. Энди кўп шиддатли, кўп тезкор XXI асрда ҳам оқила қизларимизга “Саодат” ҳамроҳ бўлсин!

**Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

Токим, бу дарёлар бемалол оқсин

Улуғ шоира Зулфияхоним билан учрашув баҳонасида “Саодат” журнаliga илк қадам қўйган эдим. Мен учун ўша куннинг ранглари, оҳанглари, ифорулари ўзгача эди. Севинч, ҳаяжонлари, шеърят оstonасида умид билан турган ёш қалбнинг ишончу орзулари ўзгача эди. Ўша табаррук кун то ҳануз қалбим тўрида шуълаланиб туради. Азиз устознинг ўғитлари мудом қулоқларим остида жаранглайверади. Юзлаб истеъдодларнинг онаси бўлган “Саодат” журнали саҳифаларидан Ойдин Собирова, Саодат Шамсиева, Хосият Тиллахонова, Тожихон Шодиева ва яна ўнлаб бошқа фидойи аёлларимизнинг ақлли нигоҳлари бизга қараб тургандек туюлаверади...

Сўнгра мен бу қутлуғ даргоҳга шеърларида Турон қўнғироқлари жаранглаган, мудраган руҳни бир эпкин билан уйғотиб юборадиган севимли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг таклифлари билан ишга келдим. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг энг оғриқли нуқталари ҳақида тайёрлаган публицистик мақолаларимиз “Саодат” журнали орқали миллионлаб хонадонларга кириб борарди. “Қутлуғ ташриф” каби янги ташкил қилинган рукнларда мамлакатимизнинг энг фидойи, эл илғор қатлами вакиллари журналхон билан учрашар, хатлар бўлимига бетўхтов ёғилаётган мактублар Ҳалима Худойбердиева бошчилигидаги жамоа ишига берилаётган ҳаққоний баҳолар эди. “Саодат” журнали гўё Ўзбекистон аёллари қалбига тутилган кўзгуни эслатарди. Аёллар тинимсиз журналга хат орқали мурожаат қилар, бош муҳаррир билан қалбини эзган изтироблар тугунини ечишга шошилар, бу даргоҳдан кўзлари ёниб уйларига қайтарди.

Журналда ёритилажак ҳар бир материал кичик хабаргача жиддий таҳлилдан ўтарди. Бир куни бош муҳаррир раҳбарлигида ўтаётган янги йил олди йиғилишида Ҳалима опа бизга юзланаркан: “Келаётган йилда эълон қиладиган материалларимиз янада ўқимишли, янада юкли, ўқувчиларимизнинг оғирини янада енгил қиладиган бўлиши керак. Кимда қандай таклиф бор?” – дедилар. Ҳар биримиз – таниқли адиба Дилбар Саидовадан тортиб ҳаммамиз ўйлаган режаларимизни ўртага ташладик. Журналнинг янги йилда нашр этилган биринчи сони қўлимизга теккан кун барчамиз у янада бошқача ва жозибали чиққани билан бир-биримизни қутлар эдик. Шунда мен ишлаётган бўлим орқали тайёрланган “УМИД-РОСТ ТАДБИРЛАРДА” деб номланган давра суҳбати билан журналнинг илк саҳифалари очилган бўлиб, ушбу суҳбатда экологик бўҳронлар туфайли мамлакат ижтимоий ҳаётида юзага келаётган муаммолар санаб ўтилган, халқимиз ишонган улуғлар – Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, машҳур гиёҳшунос олим Қаҳҳор Ҳожиматов, тиббиёт тизимидаги олимлар ва шифокорлар, эл танийдиган самарқандлик Ғани ота каби боғбонлар иштирок этган эди.



Бош муҳаррир бошчилигида биз халқ орасида кўп учрашувлар ўтказар эдик. “Саодат” журналида ишлайдиган ҳамкасбларимизга кўпчилик ҳавас билан қарар, унда ишлаш аксарият ижодкорларнинг орзуси эди.

Ҳа, “Саодат” журнали тарихига назар солсак, улуғларимиз босиб ўтган табаррук изларни ва ортдан келаётган ўрик гулларидай ифори ёш авлодни кўраимиз. Бугуннинг “Саодат”и саҳифаларида Истиклол Ватани ва унинг аёли бўй-бастини, орзуларининг, меҳнатининг рўй-бини кўраимиз. Умид чечакларининг муаттар оламига боқийлик тилаймиз.

Яна улуғларимизга қайтаман. Улар ўзларидан “Саодат” аталмиш мангу яшил боғ қолдирди. Мен ҳам шу боғ эпкинларидан баҳраманд бўлдим, бу хотираларнинг ҳар бири эса бир умрга татиғулик. Зеро, шоир ёзганидек:

**Битта дунё қолсин мустаҳкам,
Унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз.
Токим, бу дарёлар бемалол оқсин,
Болаларга қолсин жаннат еримиз.**

**Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.**

ТЕПАЛИКДАГИ ОҲАНГ

**(“Бир дўмбира қисмати”
бадий-публицистик
қиссасидан парча)**

Газетанинг навбатдаги сони Наврўз байрамига бағишланадиган бўлди. Бундай пайтда шаҳардаги тантаналардан репортаж тайёрлайман, дегувчилар тез топилади. Ўтган йили семинарларнинг бирида қўштепалик кекса адабиёт ўқитувчиси Норқизил Панжиевнинг ўз қишлоғига таклиф этгани ёдимга тушди.

Муҳарриримиздан сўраб, котибамиз Зиёда ни ҳам йўлга ҳамроҳ қилиб олдим. Бир соатдан ортиқроқ вақтим йўлда ўтди. Мактабда иккинчи соат бошланган экан. Ўқитувчилар хонасига борганимда Норқизил муаллимнинг ёзда пенсияга чиққанлигини, айти пайтда ўн-ўн бешта қўй қилиб, Қўштепага чиқиб кетганини, ҳар куни шомда қайтишини айтишди. Вақт тигиз, сабрим чидамай мен ҳам тепаликка чиқишга ошиқдим. Қаршининг теп-текис йўлларида юриш бошқа-ю, тепаликка кўтарилиш бошқа. Кекса ўқитувчи ишғол қилган баландликка чиқолмай, ортга қайтишдан ор қилдик.

Мана, ниҳоят баландликдамиз. Бор бўй-бас-ти билан пойимизда намоён бўлган, бўй қизнинг чимирилган қошидек туташиб, ёнма-ён турган икки қир ўсма эмгандек кўм-кўк. Эндигина бош кўтараётган нимжонгина ўтлар офтобнинг нурларига интизор-илҳақ, беҳол титрайди. Ҳамалнинг қириб келишига ҳам оз қолибди. Кечагина ёққан ёмғирнинг ва ўт-ўланларнинг иси баҳор келаётганидан дарак бераёпти. Ҳадемай улар кучга кириб, кўкпатли гиламдек қирни эгаллайди. Бундай лаҳзаларда қушлар каби қанот боғлаб, кенгликлар сари учгинг келади. Табиат ва сен. Айти дамда тирикликнинг ўзиданоқ нашъа туйсанг, умр елдек ўтиб кетаётганидан маҳзун тортасан. Баҳор отлиқ чавандоз ёнингдан неча бор ўтиб кетди? Қайбирининг қўлидан тутдинг-у, қайбирининг келиб-кетганини ҳам пайқамай қолдинг? Баҳор кўз олдингдан ўтдим ёки кўнглинг туб-тубидан. Баландликдан туриб, фикрлаш осондек туюларкан. Ахир, қанотсиз одам боласининг қувончу ташвишлари пастда. Бўйи билан баравар турмуш юкидан гоҳ эгилиб, гоҳ кеккайиб яшайпти. Шу сабабким, баланд тоғларга, қирларга бир бор чиқиб, ўз юкидан баланд турмоқ истаб қолади киши.



Ҳа, тепада кўзларинг тиниб, қулоқларинг том битиб қолгандек бўласан. Кўксингни тўлдириб нафас оласан, эркин нафас. Вужудинг ила ўраб олган юрагингга ҳам кенглик керак бўлади. Осмонга термиласан. Осмон билан ер бирлашгандек, нурдан либос кийган илоҳий кўшиқлар кўнғилга оқади. Уни ҳаводек ютоқиб симирасан. “Ҳайто-хуйт!”. Тирикликнинг бу овози сергаклантиради. Хоҳишингни, истакларингни чегаралаб атрофга қарайсан. Ана, чўпон бир уюр қўй-эчкиларни қайириб қайтаяпти. Оқ каптарлар пастга эниб, қишлоқдаги дарахтлар орасидан кўриниб турган томларга кўнади. Қирнинг ўнгирида жойлашган қишлоқнинг кираверишида жойлашган мактаб биноси дов-дарахтлар орасидан оқариб кўриниб турибди. Ўнг томонида спорт майдони. Танаффус бўлдими, сукунатнинг юрагини ёриб, шўх-шодон овозлар уйғунлашиб, бир жарангдор куй ҳосил қилди. Эҳтимол, уни тинчлик куйи, деб атаса жоиз бўлар.

Пастга энганинг сари ғам-ташвишлар ростлигини тан ола бошлайсан. Тепаликда туриб, ўйлаган фикрларинг пастга тўғри келмайди. Пастдагилар ҳам баравар тепага кўтарилишса, шунда бирон ўзгариш бўлар. Бу кўтарилиш эса фақат Наврўзда юз бериши мумкин.

Ўтнинг сўнгги кунлари бўлганлиги боис қуёш нурлари кишига хуш ёқади. Ҳар замон узоқлашгиси келмаётган қиш совуқ эпкинини юборади. Эндигина униб чиқаётган бу майсалар бир қарич бўлганидан ё ўроққа, ёки қўй-қўзиларга ем бўлиши ҳақида ўйлармикан, балки шу сабаб енгилгина титрашаётгандир. Ёинки қуёш нурларига осилиб, кўкка қадар бўй чўзамиз, дермикан. Ўт-ўланларнинг, қушларнинг тилига тушун-сак, яшаш осон бўлармиди, балким.

Кеча ҳам бу қирларда орзулар уммонида сузганлар борлигига, бугун ва эртага ҳам қирга кимдир чиқиб-тушишига ишонасан. Қишлоқнинг яхши-ёмон қунига гувоҳ бу забонсиз қир қанча йилбошини ўтказган бўлса. Яхши-ёмонни елкасида бирдек кўтариб, қувонган, эзилган, топталган, балки пинҳона оққан кўз ёшларини шимган. Бугун эса юраги тарс ёрилгудек бўлиб навбаҳорни кутаяпти. Наврўз байрамига ҳам санокли кунлар қолди.

Мактаб директори бизга қўшиб юборган бола Норқизил муаллимни топиб, бизни кўрсатди.

Ўрта бўйли, икки юзидан қон тепиб турадиган, микти гавдасига нисбатан эпчил ва чайирлиги сезилиб турадиган муаллим тез-тез юриб, ёнимизга келди. Муаллимнинг қўлида қизғиш заранг таёқ. Негадир шу таёқни муаллимнинг ўзига ўхшатдим. Ёмон одатим бор. Болалигимда далага чиқсам, ҳамманинг кетмони ўзига ўхшайди, деб ўйлардим ва кетмонда эгасининг юзини кўрардим.

– Наврўз ҳақида ёзишим керак, қўштепаликларнинг йилбошисини роса мақтагандингиз, – дедим саломалик қиларканмиз.

Норқизил муаллимнинг айтишича, қўштепаликлар ҳар йили Наврўзни шу қирда нишонлайди. Шоду хурамлик қирдаги жимликни бузиб, куй-қўшиқлар янграйди. Кимдир келида атай кўкартирилган буғдойни тўйса, кимдир унинг оппоқ ширасини қозонга тўкиб келади. Юзига доғ тушган ҳомилали келинчақлар буғдой ширасига юзларини артишади. Сумалак қовлашни бошлаган момоларга ёнғоқ беришади. Аёл кўзи ёриган пайт сумалакда қайнаб чиққан ёнғоқ мағзи билан юзини артса доғлар кетармиш. Ҳа, қўштепаликларнинг атир-упаси ҳам, дори-дармони ҳам табиат. Йилбошига тараддуд кўриш буғдой кўкартириш билан бошланади. Ҳам энгил-боши, ҳам кўнгли тоза, рўзғори саранжом-саришта, фарзандлари қобил кайвони аёл аввал ўн-ўн беш кило сара буғдойни ювиб, доқа ташланган катта тўқима сават устига ёяди. Бу иш Наврўздан бир ҳафта олдин бошланади. Агар вақт тўғри ҳисобга олинмаса, буғдой майсаси хиёл зиёда ўсса, сумалак аччиқроқ таъм ҳосил қилади. Унда буғдой кўкартирган аёлнинг боши балога қолади. Майсани ўтказиб юборибди, деган таънани бир йил эшитиб юришнинг ўзи бўлмайди. Шу боис бу машаққатли иш ҳар йили Зайпа момонинг чекига тушаркан. Майсанинг ширасини олиш ҳам осон иш эмас. Бу юмуш билан бақувват, покиза жувонларга топширилади. Қўштепанинг сумалаги жуда қуюқ бўлади. Улар суюқ сумалакни хом деб ўйлашади. Муаллимнинг фикрича, суюқ сумалак ошқозон-ичак касалликларига фойда бўлади. Зарда қўзғамайди. Қуюқ сумалак эса қанча сақланса ҳам, айнинамайди. Илгузидан ўтказиб, сумалак пишиғича туради. Қишда озгина саримой солинса, юмшоқ, ҳузурихон бўларкан.

Наврўз дастурхондаги турли таомлар, қўксомсалар ейиш билангина ўтиб кетса, келгуси йил Наврўз келишини қишлоқ аҳли шунчалар орзиқиб кутармиди? Йўқ, албатта. Тўкин дастурхон уларнинг кўнглини тўлдирилмайди. Урф-одатлар, айтишувлар, миллий ўйинлар билан биргаликда дostonларни асрдан-асрга, оғиздан-оғизга олиб ўтувчи кўприқдир бу байрам. Боз устига кўнгилларда ҳар йили янгидан куртак отадиган баҳорий ҳис-туйғуларни ҳам Наврўз туфайли куз шамолидан, қишнинг захридан асраб қоламиз. Шу боисми, байрамга тадорик кўраётганлар ўқтин-ўқтин йўл қарашади. Қишлоқдан атай вақил юборишган. Келяптими? Бошқа жойга кетиб қолмадимикан? Қозонда ёғ доғлаётганлар ҳам, сабзи тўғраётганлар ҳам бир-бир тўхтаб йўл қарашади. Ниҳоят, бола-бақранинг пастга қараб қийқириб, югуриб кетаётганлигидан хотиржамлик ҳукмрон бўлади. “Ҳай-ҳайя. Раббимов!” Бу қадрдон овозни эшитишмаса уларга байрам татимайди. Кўзлар кулади, юзларга табассум балқийди. Дўмбиранинг оҳанги Наврўз байра-

ми бошланганидан дарак беради. Гўёки дўмбира унинг руҳидек, қирга жон киради. Ҳамма юмушини тезроқ тугаллашга, қадим оҳангларга пешвоз чиқишга ошиқади.

Дўмбира сайраяпти. Мусикий алифбонинг ҳеч қайси қонуниятларига бўйсунмаган қайсар, тепаликка интилаётганларнинг қалбидек шаддод, тўпори, покдамон. Кўнгиллар яйраяпти. Баъзан маҳзун, баъзан шодон бу оҳанг ўзанига сиғмай оқаётган асов дарёдек тўполон билан бориб, эл кўнглига қуйилаётир. Неча асрлар давомида не-не қирғинбарот урушлар, талон-тарожлару босқинларни кўрган бу эл қатори дўмбира ҳам ўз бошида не-не синоатларни кўрди. Балки, шу боис у назокатли давраларда, қасрларда эмас, кенг далаларда, қирларда, тўй-байрамларда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларни бир жойга тўплай олар. Муаллим бу жойларда дoston айтиб, терма тузадиганларни шойир дейишади, деди. Қишлоқ аҳли қора қошлари бароқ, катта-катта кўзлари кўкимтир, ўрта бўй, саксонни қаршиласа-да йигитлардек эпчил ва хушчақчақ шойирига қараганда кўзлари ёшланади.

**Қўштепада қўшкарнайлар ҳозирми,
Баҳорой кеп қирга хатин ёзирми,
Қизгалдоқлар қизарган бу тепада
Ой қизларим дастурхонлар ёзирми.**

Шойир дўмбирани чертганча даврадагиларни айланиб, айланиб давом этади:

**Бошига тож кўрдим хумоли,
Дунё кенг, мен битта хумоли,
Тоғларнинг бошини ўраган,
Момоннинг армонли рўмоли.**

Сумалак бошидаги Зайпа момо ўзига тикилиб терма айтаётган шойирдан, тушиб кетган тишларини яширибми ёки ҳаё босибми, шимарилган кенг энгларини тушириб, оғзини оқ рўмолининг бир учи билан бекитиб кулади ва дўмбира оҳангига монанд бош тебратиб, муқом қилади. Шойир момонинг муқомига мос бош тебратиб, ундан нари кетади.

– Сумалак пиширишда Зайпа момодан ўтадигани йўқ, – дейди Норқизил муаллим. – Бирор баҳор пиширмаса касал бўлади. Сумалак пишириш, Наврўз ўтказиш хурофот, деган йилларда ҳам бостирмаси остида яширинча сумалак тайёрлаган шу момо-да. Эртаси кун эҳтиёткорликни унутиб, қўни-қўшнига илиниб, бир пиёладан тарқатиб чиқаётганда чақув бўлиб қўлга тушган. Селсоветти раисига “Етти йил узмай сумалак пиширишим керак. Уч йили қолди. Кейин бас қиламан”, депти. Ўшанда “Мана сенга етти йил”, деб елкасига етти марта қамчин билан урган экан раис.

– Нега етти йил пиширишга мажбур бўлган? – дейман суҳбатдошимга ажабланиб.

– Сумалак пиширган, гўр қавлаган мардум етти йилсиз шу касбини ташламаслиги керак. Хосиятсиз бўлади, деб ирим қилинади. Кексалар осонгина қилиб “ёмон бўлади”, деб қўйишарди. Эҳтимол, икки иш ҳам ғоят масъулиятли, оғир бўлгани учун бош тортиш осон бўлмасин, деб шундай дейишгандир. Ҳозир момонинг куни туққан. Сумалакка ўзи кайвонилик қилади. Ҳали-ҳануз елкасида етти қамчининг изи бормиш.

– Наврўздан гапираётгандим-а, – дейди муаллим чўғни ковлаб. Кейин шойир Зайпа момодан узоқлашиб, дошқозон атрофида ўралашиб, бири олов ёқаётган, бири қозонга гуруч солаётган, бири сув келтираётган, чопонининг ўнгирини қайириб олган ёш йигитларга меҳр билан тикилиб, кўзи ёшланади:

**Қалдирғоч қанотин қоқами,
Биров энг, бирови ёқами,
Тинчлиги бўлмаса замоннинг
Кўнгулга байрамлар ёқами?**

Қатор терилган таомларга, кўк печагу сомсаларга шойир суқланиб қарайди. Атрофдагилар кулгудан лаб-лунжини йиғиштиролмай, “қурғур, жа бало-да” деб, бир-бирига гап беришади. Айниқса, аллақачон юзи кир бўлиб, лаблари атрофида овқат юки қотган болақайлар суюнганларидан оғзилари қулоғида бўлиб, ўзининг ортидан эргашиб юрганлари, толхивични дўмбира қилиб, унга таклид қилишаётганларига қараб, димоғи чоғ бўлади:

**Ўзбегим байрови баланддир,
Кўнгулим ҳам давронга монанддир.
Мен шўх-шўх куйласам ярашур,
Оғзимда асалу ҳам қанддир.**

Шойир энди жунбушга келади. “Хай-хая” дея нафас узмай, авжга чиқади. Қоқма гиламларнинг бирига тиззаси билан чўкиб, кенгликларга қараб, овозини баланд кўяди:

**Садаванг кетайин, Наврўзим,
Пойингга пояндоз мен ўзим,
Сумалак ҳидидан айланай,
Қутли кел, қувонсин ул-қизим.**

Кўпчилик шойир қараган тарафга бурилади. Гўёки Наврўз ўша тарафдан келаётгандек қийқириб юборишади. Шойир “хай-хай” лаб ўзи учун аталган қип-қизил чўгдек банотдан қилинган қалин кўрпачага ўтиради. Кайвонилар унинг атрофида давра тортиб, дуога қўл очишади.

– Бундай замонларнинг садағаси кетсанг арзийди, – дейди шойир ҳамқишлоқлари билан сўрашаётиб. Эҳ, шу куни Қўштепа Жамшид даврида ҳам бўлмаган базмга гувоҳ бўлади.

Тегирмонга ташласа бутун чиқадиған шойир терма айтиб, роса терлайди. Эвазига қишлоқ чеварлари гулпахтадан (қўлда чигитланган пахта) қўйиб қавилган гуппичопон, қалпок, от устига ташланадиган бахмал чирги ва 5-6 сўм аталган пуллар билан сийлашади. Охирида яқинда келин бўлган, атлас кўйлақлар устидан қубба халат кийган, юзига ҳарир парда ташлаб таъзим қилаётган келинчаклар шойирга ва оқсоқолларга таъзим қилишади:

**Чаккангга таққанинг гул бўлсин,
Каштага тикканинг ўйл бўлсин,
Қўша қариб юргин, Келиной,
Дилингга тукканинг ул бўлсин.**

Келинларнинг юзи шолғомдек қизариб кетади. Ўспирин йигитлар, бўй қизлар ҳам термалардан қуруқ қолишмайди. Йигит-қизларнинг давра ошиб, бир-бирига боқиб турган кўзлари ёниб кетади. Орада кўпқари ўтказилади. Бу Наврўзнинг тафти келгуси баҳоргача юракларга кўр бериб туриши аниқ. Шу куни сумалак тарқатилгач, хонадонларнинг бирида катта-кичик тўпланиб, шойирнинг мунгли дostonларини тинглашади. Бир-бири учун жон фидо қилгувчи ошиқлар, учар қаноти бор отларнинг вафоси. Йигитнинг лафзи, қизнинг ор-номуси, элу хешдан айрилганда бошга тушиши мумкин бўлган савдолар,



ёвузликка қарши кураш лозимлиги, меҳр-оқибат тўғрисидаги дostonлар ҳаммани маҳлиё қилади. Дўмбиранинг гоҳ хазин, гоҳ исёнкор оҳанги кўнгилларни ўртаб, йиғилганларни йиғлатади. Дарди дилига сиғмай, йиғлолмай юрганлар ҳам шу кеча дoston қахрамонлари тақдирига, аслида ўз дардига қуйиб, кўнглини бўшатиб олади. Майда-чуйда турмуш икир-чикирларига ўралашиб қолганлар ҳаётда яна қандайдир туйғулар борлигига, қачондир мўъжиза ҳам юз бериши мумкинлигига ишонишади. Қўшнисига тиш қайраб юрганлар шайтонга “ҳай” беришади. Нафрат, адоват, гурбат инсонни тез қаритади. Жилла курса инсон Наврўзда кўнглидаги бу иллатларни сиқиб чиқариб, бир тозаланиши керак. Туйғулар янгиланади, кўнгиллар тозариб, ёшаради. Болалар дoston қахрамонларига эргашади. Алпомишдек бўлишни исташса, нимаси ёмон?!

Хуллас, қўштепаликлар дўмбираси ва шойири бўлмаган жойларга жуда ачинишади. “Қишлоғимизда бунча “Нексия”, шунча иномарка бор, бунча дангиллама ҳовли бор”, дегувчиларни битта бўлсаям дўмбираларинг борми, деб мот қилишади.

– Дарвоқе, – деди муаллим. – Қўштепанинг кўпкариси ҳақида гапириб берай. Арафада катта кўпқари уюштирамиз. Қир атрофини Бойчибору Гиротлар, Қирқўқлар айланади. Бу ёғи Дехқоновот, Бойсун, Шеровот, Ургут, Жом, Яккавоғди чавандозлари ҳам етиб келади. Кўпқаридаям ҳикмат кўп. Отларнинг ёллари силкиниб, пишқариб келаётганини кўрсанг, ростдан отнинг деви бор, деб ўйлайсан. Шунда шойирнинг дostonлари эртакмас, бор гап деб иккиланиб қоласан. Чанг-тўзону иссиқда қизариб-бўғриққан чавандозларнинг ўт чатнаган кўзлари улоқдан бошқани кўрмайди. Шунақанги ўтади бизда Наврўз.

– Ўхшатиб айтиб бердингиз. Гўё ўзим қатнашгандай бўлдим.

– Газетингни шапалоқдай жойига бизани шунча катта байрамимизни қандай сиғдиришинг мумкин? – дейди муаллим қаҳ-қаҳ отиб куларкан.

– Ҳақ гап. Бунча тадорик, бунча қувонч ва дард-ни бир саҳифага сиғдириш қийин. Битта саволимга шунча жавоб бердингиз. Адабиёт ўқитувчиси бўлганлигингиз учун, чечансиз-да. Наврўз ҳозир бўлиб ўтгандек туюлди, – дейман муаллимга. Норқизил муаллим қойил қилдимми, дегандек қуюқ қошларини кериб қўйди.

Қай юртларга бориб, омонликда қайтаётган турналар бошим узра кўшиқ айтиб ўтиб кетишди. Хотиржамлик билан уйғунлашган шукрона бор эди уларнинг қўшиғида. Қуёшсевар бу қушлар бизга ўхшаб кетади, гўё. Улар ҳам ҳамиша нурга интилади. Норқизил бува билан суҳбатимиз яна давом этди. Чойгумда чой қайнапти.

– Ўзимизнинг чой яхши. Бир чимдим ялпиз, озроқ зира, кўк чой, – деб мақтайди чойни қайтараётиб.

Тўғриси, чойдан заминнинг ҳиди, баҳор ҳиди келиб турибди. Чойни ича-ича бува шойир ҳақида сўйлайди. “Туф-туф, кўз тегмасин, бундай замонлар келаракан, шойирди кўкайигаам офтоб тегаракан, ҳай-ҳай кўролмай кетганлар увол”. Норқизил бува кўпқаридан кейин кишлоқдан чиқиб кетадиган шойир ҳақида сўзлади. Йилда бир – фақат Наврўзда келадиган шойирнинг ҳаёти сокин кўнглимни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Қора қозонча тагига ёқилаётган ўтин тутуни кўзларимни ачитиб, нафасимни бўғди. Сал нари бориб, баҳорнинг шамолига юз тутдим.

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА



Ушалган орзу

Қандай шароитда ўсган бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг кўнглида орзулари бўлади. Менинг онажоним Шохид ая ҳам мактабда яхши ўқиган. Етуклик гувоҳномасини олгач, институтларга кириб ўқишни орзу қилган. Аммо тақдир онамга бошқачароқ ҳаёт ато этган. Онамнинг дадалари – бувам 39 ёшида бевақт дунёдан ўтганлар. Бувим 5 нафар фарзанд билан рўзғор юқини якка ўзлари тортишга тўғри келган. Онам оиланинг тўнғич фарзанди бўлганлиги учун эрта тирикчилик ташишларини елкасига олишга мажбур бўлган. Мактабдан бўшади дегунча бувимнинг ёнларига кирган. Ҳовлиларида озми-кўпми мевали дарахтлари бор экан, пишгач, бозорга олиб бориб сотган эканлар. Шу-шу савдо билан шугулланиб кетганлар. Онам оилага, бувимга таянч бўлганларидан нечоғлик суюнсалар ҳам, орзулари армон бўлгани учун ҳамиша ўқиниб яшаганлар. Биз оилада ҳозир 5 нафар фарзандимиз. Аслида онам 3 нафар фарзанд кўрганлар, 2 нафари сингиллари – холамнинг фарзандлари. Холам ва уларнинг турмуш ўртоқлари бевақт оламдан ўтгандан кейин онам ўз жигарининг зурриётларининг қаровсиз қолишини истамди ва жиянларини уйга олиб келдилар. Ҳозир ҳаммамиз аҳил, иноқ оила бўлиб Чирчиқ шаҳрида яшаймиз. Ойим бизнинг ўқишимизга катта эътибор берадилар.

– Катта емасам кичик ерман, аммо сизларнинг ҳаммаларингизни ўқитаман, – дейдилар. Дадажоним ҳам шу фикрдалар. Иккита опам талаба. Ирода опам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия, Шаҳноза опам эса Тошкент давлат педагогика университетида таълим олишмоқда. Онам опаларимни:

– Сизлар менинг ушалган орзуларимсизлар, – дея эркалайдилар. Мен ҳам онажонимдан шундай гапларини эшитгим келади. Анчадан буён наср ва публицистика йўналишларида машқлар қиламан. Ёзганларим матбуотда чиқяпти. Насиб қилса, мен ҳам онажонимнинг ушалган орзуларидан бири бўламан.

Зарина ИБРОҲИМОВА,
Чирчиқ шаҳридаги 11-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.



БАРДОШ

Дунёга келдингми, яшамонинг шарт,
Тақдирда бориға шукрона айтиб.
Синглим, кўзингдаги ёшларингни арт,
Жилмай, болаликнинг бағрига қайтиб.

Янги тонг отяпти, қалбингга ишон!
Кўёш нурларига боқ умид билан.
Дилдаги дардларинг унутиб шу он,
Яша, ганимларнинг сўзидан баланд!

Биламан, хотирлар дилин ёқади,
Баҳордай уйғону очил лоладай.
Ва албат, дунёлар кулиб боқади,
Бахт бағрингга ўзин отар боладай.

Шунчаки кечиргил, дўсту ганимни,
Кўнглингда қолмасин ҳеч гина ё ўч.
Ҳаловат аллалар руҳинг-танингни,
Борин унутмоққа топа олсанг куч.

Қоқилган биргина сенмас дунёда,
Инсон кўп, юраги мингямоқ юрган...
Қайгулардан холи, ғамдан озода,
Орзу қанотида учмоқни ўрган.

Яна юрагингни меҳрга тўлдир,
Ишонч-ла одимла ёруғ эртангга.
Оғир, лек қалбдаги риёни ўлдир,
Гарчи ханжарлари ботар елкангга.

Ишон! Бир кун келар, кўлингдан тугиб,
Омад боқар, ёниқ нигоҳида чўғ.
Шунда бил, ғамларинг буткул унутиб,
Дегайсан, “Дунёда мендан бахтли йўқ!”

Синглим, кўзингдаги ёшларингни арт.

ОРЗУ ҚАНОТИДА УЧМОҚНИ ЎРГАН...

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА “Юрагимда бир гул ўсади”,
“Дил шеваси”, “Кўнглимга йўл” шеърий тўпламлари ҳамда
“Публицистика ва ёшлар маънавий идеали”, “Оммавий
ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати”, “Оила
– тарих ва тараққиёт силсиласида” илмий-публицистик
рисолалар муаллифи.

Бугунги кунда “Ўзстандарт” агентлигида Ахборот
хизмати раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда.

БИЗНИКИДИР БУ ЁРУҒ КУНЛАР

Кўтаринг кўнглини, кўтаринг руҳни,
Кубро кўтаргандай сарбаланд туғни.
Фурур ва матонат биз билган маслак,
Ҳар ким жилмайганча босолмас чўғни.
Ҳали олдимизда энг ёруғ кунлар.

Илло, тик қоянинг ўз лочини бор,
Калхатнинг чираниб учгани бекор.
Кўм-кўк осмонига ярашади сор,
Руҳи юксакларга кенгликлар-да тор.
Ҳали олдимизда энг ёруғ кунлар.

Ҳар умр долғали, ёмғир-қори бор,
Баъзида бўласан айбсиз айбдор.
Тақдирнинг йўллари гоҳ кенгиш, гоҳ тор
Оппоқ орзуимиз бўлсин кўзтумор,
Ҳали олдимизда энг ёруғ кунлар.

Бу ҳаёт имтиҳон, синовли дунё,
Риёлар ўткинчи манғумас, асло.
Ҳақнинг ёзувида битилса, зеро,
Ўзанига тошиб қайтмаси дарё.
Албат, бизникидир энг ёруғ кунлар.

Меними бу ўйлар алдайди,
Алдайди қароғинг қароси.
Юракни бир нави қилди-я,
Ишқ тутган боданинг балоси.
Райҳоннинг бўйлари ширин-ей,
Шириндир муҳаббат ўйлари.
Ёронгул сақлолмай сирим-ей,
Баҳорга борини гуллади.
Гуллади равоқда тул оғоч,
Танга нур тушди бахт илгидан.
Кўзларингга беркит, қалдирғоч.
Бу сирни гулламай тилганим...

Ё раб, кимга сўйлай дилда аламни,
Боримни бағримдан юлиб кетди куз.
Бир он тингламади, додим ноламни,
Фурсат қолдирмади айтмоққа сўнгсўз.

Қуловим остида онамнинг саси,
“Узоқ йўлдан толмай келдингми, болам?”
Дилим қовжирайди, қуяр нафасим,
Онамсиз кенгайиб қолдими олам?!

Битдими қисматим нурли куни ё?
Рухафзо тушларим келмасми ўнги.
Тиллоранг рақсига этиб маҳлиё,
Куз ютди шодлигим, умидим... сўнгги.

Ўтар вариб кунлар далли, дилзор,
Кимдан меҳр тилай, сиздан зиёда.
Соғинганим отам кўрсайдим бир бор,
Она, дийдор энди қайси дунёда?!

Тун, борлигим қарахт, бедор ўйларим,
Англаб улғурмайман росту рўёни.
Умринг лаҳзалик эканин сўйлар,
Отамнинг устунда қолган чопони.

Мен тоғман!
Оёғим замингга ботиб,
Қўлларим фалакка чўзилган.
Мен тоғман!
Қорликдан қабр ясалиб,
Унга тириклайин кўмилган.
Осмонга қадалган қўлларим ҳамон,
Ёлғиз сивинганим ўзингсан, танграм.
Паноҳингда кутгум мурувват-эхсон,
Тоатдан сингунча токи қўлларим...

СИЗДАН МЕНГА НУРЛАР КЕЛАР ОСМОН-ОСМОН...

Озода БЕКМУРОДОВАнинг “Дилрабо ОҚ Шомлар”, “Юрак зарблари” шеърий тўпламлари нашр этилган. Ҳозир Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида хизмат қилади.

ХИРГОЙИ

Мангу тонглар
Отмоғидан умидим бор,
Токи маҳшар илтижо-беҳудудим бор.
“Гул танамни хор этма ёт элларда
Ўлгунимча сайисинг бўлай, бойчибор”.¹

Мен билмадим аёв қандай бўлишини,
Қароғдаги осмон қандай сўнишини,
Волидамнинг паймонаси тўлишини,
Юрагимнинг муз тоғида ёнишини.

Гул вақтимнинг боладайин жим ўқсиниб,
Бир сўз демай ҳижронларга кўнишини.
Рухим маним юксакларга ҳур юқиниб,
Муқаддас бир садоларга дўнишини.

Бинафшаранг кунлар ёди учиб юрар,
Орзуларим ифорини кўчиб юрар,
Яратганнинг дарчасидан бир имо бор
Кўнглим хурлар дарёсини кечиб юрар.

(1. “Алпомиш” достонидан)

Элим десам юрагимга нур кирар,
Томиримга осмон кирар, сир кирар.
Борлигимда бир илтижо ҳайқирар;
Элим десам икки дунём гуркирар!
О, билмайман бу қандайин табобат,
Тошин кучсам топгайдурман ҳаловат.
Олислардан соғинч тортиб келганда,
Кўксимдаги ғамлар эрур тоабат.
Шу тупровнинг гулиман, гавҳариман,
Товларининг бошидаги зариман,
Кўк ишқида учиб кетган қушману,
Кел деганда келадиған, бориман.
Шу борлиқнинг шамолига юз чайсам,
Шу кенглиқнинг камолида улғайсам,
Исмим айтсам, танисайди гиёҳлар,
Исмин айтса, дунёларига ёйсам.
Юрагимга қувват керак, ёронлар,
Менга синмас қанот керак, ёронлар,
Элим десам, бизникисан, десалар,
Менга шундай дастхат керак, ёронлар.
Менга шундай нурхат керак, ёронлар!

ОҚ КУНЛАР ҲАЖРИ...

Онам осмон эди,
Отам тоғ эди.
Еру осмон сеҳрли нурбоғ эди.
Кўзим кўнгли эди,
Кўнглим соғ эди,
Шодлиқлари тугамаган чоғ эди.
Тунлар шуқуҳ, зар аралаш тонг эди,
Чексизликнинг чодирлари кенг эди.
Ўйламасдан ўйнаб-қулиб чопардим,
Ёруғ тушларимнинг бари ўнг эди.
Волидамнинг бағри мангу баҳорим,
Мойчечаклар табассуми бахт эди.
Минг айтилса нигоҳларнинг изҳори
Бир қайрилиб боқмаганим вақт эди.
Фаслларнинг жами кўклам лолазор,
Лаҳзаларнинг ҳеч саноғи йўқ эди,
Юлдузларнинг шуъласига қарасам,
Малакмисол бир ғуноҳим йўқ эди.
Бутун олам дўстим эди, қадрдон,
Шодлиқ сувин сочар эди тўрт томон.
Кўл узатсам, қанот ёзган турналар,
Нега қайтиб келмаяпти, ёрижон,
...Ёрижон...

Сиздан менга нурлар келар осмон-осмон,
Юрагимда шодлиқларим хирмон-хирмон.
Ҳаётимнинг маъносини топгандайман,
Ишқ аҳлининг шаробидан тотгандайман.

Эй, қалбимнинг бу дунёда ёруғ куйи,
Балки, сизни излаганман умрим бўйи,
Сизни кўрган рўёларни, суйиб-суйиб,
Тирикчилик дунёсидан ўтгандайман.

Пасту баланд кўчаларда зору сарсон,
Ўтган кетган нечаларга бўлиб ҳайрон,
Йиғлаб кетди мендан қанча давру даврон,
Яшамасдан, бу кунларни кутгандайман!

Сизни кўрган лаҳзаларим афсонадур,
Исмингизнинг шуъласидан мастонадур,
(Менам дилдор, бир сўйладим Султонимга)
Икки дунё бу сўзларим яғонадур!

Сиздан менга нурлар келар осмон-осмон,
Юрагимда шодлиқларим хирмон-хирмон.
Ҳаётимнинг маъносини топгандайман,
Ишқ аҳлининг шаробидан тотгандайман.



Йиқилганим йўқ, Нажот,
Қоқилиб кетдим тошга,
Кўнглим қонагани йўқ,
Ишон, ёнмайман бошқа.

Қисматнинг қирғовида
Бағрим бироз тилинди.
Сенга тонг бермоқчийдим.
Ёлғизлигим билинди.

Нур тилаб олганим йўқ,
Сўник қорачиқлардан.
Кўёшим ўзимники,
Ўтим баланд чўғлардан.

Ғимир-ғимир юрганлар.
Жимир-жимир қилганлар,
Товонимга ҳам келмас,
Мисдан зийнат илганлар.

Қисматнинг фалағида.
Кўнглим кундай тутилган,
Кечиргин, жонга бандим,
Мактуб шундай битилган.

Нур тилаб олганим йўқ,
Сўник қорачиқлардан.
Нигоҳимни узганман,
Алангасиз чўғлардан.

УЗУМИНИ ЕБ, БОҒИНИ ҲАМ СУРИШТИРИНГ...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда Фарғона вилояти Олтиариқ тумани 120 миллион долларлик экспорт қилаётганини таъкидлаб ўтди.



йилига уч марталаб ҳосил олиб ҳам тупроқни “озитмаслик” сирларини пухта ўзлаштирган, қайси мева, қайси сабзавот учун тумандаги қайбир ҳудуд ерлари мос эканлигини олимлардан кам билмайдиган миришкор томорқачиларининг довуғи жуда баланд.

Мазкур туман нафақат бодринг ва турпи, балки узуми билан ҳам машхур. Туман боғбонлари бу борада ҳам ўзига хос мактаб яратган. Ўтган йиллар мобайнида миришкор томорқачилар ўнлаб турдаги янги узум навларини яратди. Юқорида номи зикр этилганидан ташқари, “Қора шаҳзода”, “Хусайни”, “Маликанинг бармоғи” каби узум навлари нафақат ички бозорда, балки узоқ-яқин хориж давлатларида ҳам харидоргир. Даромад манбаи сифатида ҳам унча-мунча деҳқончилик маҳсулоти узумнинг олдига туша олмайди.

– Туманимизда асосан кишлок ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади, – дейди туман ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Жуманов. – Ўтган йилда 47 минг 600 тонна узум, 22 минг 100 тонна гилос, ўрик, шафтоли, олма, 136 минг тонна сабзавотлар етиштирилиб, ички бозорни таъминлаш билан бир қаторда Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларга экспорти амалга оширилди. Ҳозирда элликдан ортиқ экспортёр корхоналар бўлиб, уларга барча шароитлар яратиб берилляпти. Ўтган даврда 120 миллион долларлик экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошади. Туманда экспортга кўмаклашиш марказлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Туман тадбиркорлари “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида иш тутмайди. Улар бор имкониятларни ишга солиб, янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Мева-сабзавотчилик

ни ривожлантириш учун барча тадбирлар белгилаб олинган. Ҳозирги кунда 7 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилиб, 443 та фермер ҳўжаликлари ва 3 минг 670 гектар ер майдонлари бириктирилиб берилди. Мазкур майдонларда 98 минг 429 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва унинг аксариятини экспорт қилиш кўзда тутилган. Албатта, бунда ташқи бозордаги талабга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунга қараб, мева-сабзавотларни жойлаштириш, интенсив боғларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

“Водий холдинг мева” масъулияти чекланган жамияти ҳам мева-сабзавотчилик кластерларидан бири. Мазкур жамият томонидан ўтган йилда 40 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу айтишга осон. Ахир, мевани етиштириш ва уни сотиб олиш билан иш битмайди. Хорижлик харидор унинг сифати ва ҳуштаъмлигига ҳам эътибор қаратади. Жамият раҳбари Маъмиржон Абдуллаевнинг айтишича, мева ва сабзавотларни сақлаш учун 800 тонна сифимга эга музлаткич омборхона қурилган. Бугунги кунда 98 та фермер ҳўжаликлари билан маҳсулотларни етиштириш бўйича шартномалар тузилди.

Туманда 68 та замонавий музлаткичли омборхоналар бўлса-да, ҳали ҳам мева-сабзавот сақлаш учун эҳтиёж бор. Бу эса йилдан-йилга фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, томорқа ер эгалари ердан мўл ҳосил олаётганидан далолат беради.

Кувонарлиси, олтиариқлик фермерлар нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ҳам илғорлар сафига бўлишга интилишади. Тажрибали фермерлардан бири Исоҳжон Бойматов ўзи раҳбарлигидаги “М. Бойматов” фермер ҳўжалигининг 300 тонна ҳажмга эга музлаткичли омборхонасидан унумли фойдаланмоқда. Олти гектар боғда узумнинг экспортбоп навларини парваришляётган фермер жорий йилда мева-сабзавот экспортидан катта даромад олишни режалаштирган.

– Фермер ҳўжалигимизнинг майдони 8 гектар бўлиб, шундан 2 гектарида лимон, 5 гектарида узум, яна 1 гектарида эса Туркиядан келтирилган ёнғоқ етиштирилмоқда, – дейди “My Garden” фермер ҳўжалиги раҳбари А.Абдурахмонов. – Ўтган йилда “Келинбармоқ” навли узумдан Россия ва Қозоғистон давлатларига 420 минг долларлик экспорт қилдик. Эндиликда 21 нафар ишчи-ҳодимларимиз билан тармоқни янада ривожлантириш ҳаракатида юрибмиз.

Тумандаги ҳар бир маҳаллада томорқадан самарали фойдаланишда ўзига хос тажриба яратилган. 1 минг 410 гектар майдондаги томорқаларда эса узум етиштирилади. Айни кунларда давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида туманни тўлиқ узум етиштиришга ихтисослаштириш бўйича ишлар бошланди. Жорий йилда 1 минг 350 гектар майдонда узумчилик ҳўжаликлари ташкил этилди. Умуман туманда келгусида 3 минг гектар майдонда узумчилик кластерлари ташкил қилиниши режалаштириляпти.

Севимли адилларимиздан бири “Олтиариқликларнинг чақалоғи, эрта баҳорда плёнканинг тагига эмаклаб кириб кетиб, кеч кузда нариги тарафидан “Нексия” миниб чиқади”, деб бежиз лутф қилмаган. Зеро, бу ердаги тадбиркорлик, миришкорлик ишлари оилалар фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА

НИМАДАН НОМУС ҚИЛИШ КЕРАК?

Баҳор аввалида Жиззах далаларида қора пакет ичида эгизак ўғил болаларнинг жасади топилгани ҳақидаги хабар тарқалди. Улар ташлаб кетилган экан. Бундан бирмунча вақт аввал Тошкентда каналга оқизилган чақалоқ (у ҳам ўғил бола) ҳақидаги гап-сўзларнинг шов-шувли тўлқини ҳали тиниб улгурмаганди.

Самарқандда дарахтзорда ташлаб кетилган болани ит топиб одамларга етказиб бергани-чи? Охирги уч ой, олти ой, нари борса бир йиллик шунга ўхшаш фожиали хабарларни росмана таҳлил қилиб кўрилса, бундай ҳолатларнинг сон-саногии қанча чиқаркин? Ўрганиш асносида бундай ноҳушликларга аксарият турмушга чиқмасдан туриб фарзанд кўриб қолаётган ёш аёллар сабабчи экани маълум бўлди. Улар шармандалиқдан қутулиб “оппоқ қанд”га айланмоқчи бўлдилармикин? Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, фақат бир томонни – ожиза аёлни айбашдан, унга тош отиш фикридан йироқман. Аввалига совғалар, кейин ваъдалар бериб иши битгач, Россияга кетиб қолган ёки у ер-бу ерда пана-пасткамлаб юрган жоҳианинг яна бир сабабчиси – йигит отлик “мард”лар кўпинча сўроққа тутилмайди. Токи аризабозлик орқали жавобгарликка тортилмагунча, “йигитчиликда бўлиб туради” деган гапдан нарига ўтилмайди... Ҳамма вақт қиз боланинг масаласи чигал келган. Ҳамма вақт оиланинг ор-номуси, деганда қизлар тушунилади. Шу вайдан қиз боланинг бўйнидаги бурчга йигитлар сабаб путур етганида жоҳиалар занжири ҳосил бўлмоқда.

Барибир ҳам минг бир сабаб топилса-да тирик боласини сувга оқизган аёл ҳеч қачон муқаддас бўлмайди. Минг азоб-ла фарзанд дунёга келтириб, уни дала-дашда қолдириб кетган аёл ҳеч қачон муқаддаслик мақомига етиша олмайди.

Норасида гўдакни ахлатхонага улоқтирган ҳам ҳеч қачон оналик шарафига лойиқ эмас. Бундайлар токи гуноҳи азим нелигини билмас, тушунмас ва англамас экан уятни, номусни нега рўқач қилишади? Отаси, онаси, яна аллакимлар бош кўтариб юролмаслигини ўйлаб, ўзларини қотиллик панасига олар экан, бу бегуноҳ жонларнинг уволи ҳақида ўйлашмайди-ми? Саволлар ва сабаблар ҳар доимгидек бисёр. Аксар ҳолда муаммога ечим муаммонинг ўзида ёки атрофида бўлади, олисда эмас. Қиз бола улғайиб, миллат тарбиячиси мақомини олгунига қадар ўзи илмли бўлиши ниҳоятда муҳим эканлиги мана шу жоҳиалар оқимида яна қалқиб чиқмоқда. Онгига болалигидан сарпо-суруққа ўчликни сингдиргандан кўра, уларни ҳуқуқни билишга ундаш, ялтироқ кўринган ҳар нарсасга учиб кетмасликка, қолаверса, сабр ва қаноатга ўргатиш даркор.

Бир эмас, икки боласи ногирон туғилган, икковиниям меҳр билан улғайтирган, камига қизи автоҳалокат сабаб тўшакка михланиб қолган аёлни биламан. Ўша аёл ногирон ўглининг қобилиятини сезиб қолганидан буён рассомлик тўғрагига қатнаштириб юради. Шунинг ортидан бир неча ой аввал олис кишлокларидан Тошкентгача келишибди. “Набиранинг қачондан бошлаб расм чизади?” деб сўрабман аёлдан. Бу набирам эмас, ўғлим бўлади, деганида мен қайта аёлга разм солдим. Синовлар ва қийинчиликлар онаизорни эрта қаритган. Ҳали 45 ёшдан ошмаган экан. Бундай оналар юртимизда оз эмас. Оқила, муниса, собира аёлларига эъзозга лойиқдир. Демак, ибрат ҳам ўзимизда, ўзимиздан узоқлашмайлик...

Наргиза ЮНУСОВА, Самарқанд шахри



Алия Темурийзода (Шахноза Эшмирзаева)нинг “Оқ қушлар қўшиғи”, “Осмон бир дунё”, “Қалбимдаги само”, “Мактуб” китоблари чоп этилган. У Евроосиё Ижодкорлар уюшмасининг даврий аъзоси, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳибаси.

2015 йилда Евроосиё Ижодкорлар уюшмаси ва “Hertfordshire Press” нашриёти томонидан ташкил этилган “Open EuroAsia & Central Asia Book Forum & Literature Festival” IV Халқаро Китоб форуми танлови ва Адабиёт фестивалининг бадиий ижод йўналиши бўйича финал босқичида иштирок этиб, сертификат билан тақдирланди.

Саҳифалар ифори

Ҳикоя

– Ойи, кечиринг, мен буни атайин қилганим йўқ-ку. Ўзим ҳам тузук-роқ кўриб чиққаним йўқ эди.

– Атайин қилмай ҳар нима бўлгур, сенга неча марта айтдим, менинг жавонимдаги китобларга тегма, деб!

– Топилиб қолар, ойи! Битта эски китобга шунчами? Китоб дўконида шу асарнинг янгича кўринишдаги қайта нашрларини кўрганман. Бир эмас, ўнта олиб келиб бераман керак бўлса!

– Керакмас! Миллиончасини олиб келмайсанми менга деса?! Менга бутун дунё китобларини йиғиб келсанг ҳам, ўша эскирган китобим ўрнини босолмайди! Менга ўша китобни топиб бер!

– Дилнавозни ҳам безор қилиб юбордим кўнғироқ қилавериш, тушунинг ойи, топса ўзи айтади.

– Кимдан сўраб бериб юбординг ўзи?!

– Ойи, бўлди, яна бошланг.

– Ҳа, Сора, нима жанжал? – ишдан қайтган Нурмат бақир-чақирнинг устидан чиқди.

– Ассалому алайкум, дада... – Мадина айбдорларча бошини эгди.

– Кўрмайсизми мана бунингизни, китобларимни қовлаштириб, “Фарҳод ва Ширин”ни дугонасига бериб юборибди. Дугона бўлмиш эса шундай китобни йўқотиб ўтирибди!

– Шунга шунчами? Битта китоб экан-ку.

– Э-э, келиб-келиб дардимни сизга дастурхон қиламанми, – Сора йиғлашга тушди. – Бу китобнинг қадрини билсангиз эканки, гапирсам...

– Мадина, хафа бўлма, ойинг Навойини жуда севиб ўқийди, – кулиб қўйди Нурмат. – Эртага китоб дўконига чиқиб, янгисини олиб бераман ўзим.

– Керакмас янгиси!

Мадина ойисининг нега бунчалик жазавага тушганини тушунолмай, хуноб бўлди, кечки овқат ҳам татилади. Фақат дадаси кичкинтой синглиси Шоҳсанам билан бироз ўйнади, қизалоқ эса кун бўйи шўхлик қилавериш чарчаганиданми, дадасининг қўлида ухлаб қолди. Кейин дастурхонни йиғиштириб олишди, ҳар кунгидек дарсларни текшириш, оилавий суҳбат бугунча “анъана сафидан чиқарилди”. Мадина апил-тапил дарсларини тайёрлаб, ўз ўрнига эмас, хонасидаги диванга ўзини ташлади.

Дераза ортида булут парчаси ёригидан кўринган ой мўралайди, нарироқда юлдузчалар милтиллайди. Ярим тунгача Мадинанинг уйқуси келмади, диванда ҳам, ётоғида ҳам ухлолмади. Кейин тахмондан кўрпача олиб, ерга – диван ёнига тўшади-ю, қоронғида ўтирганча, хаёлга чўмди. Қизиқ, ўша китобнинг ойиси учун қандай қиймати бор экан? Нега бунчалик жажли чиқди? Ахир, шу пайтгача ойиси ундан ҳеч нимани қизганмасди-ку! Унинг хаёлларини синглисининг йиғиси бўлди: у кўғирчоғи билан бирга ухламаганини билиб, безовта бўлаётганди. Чироқни ёқиб, хонанинг у-бу бурчини қараб кўрди, бироқ кўғирчоқни тополмади. Шоҳсанамнинг йиғиси баттар авжига минди.

– Яна бироз сабр қил, ҳозир топиб бераман ўша матоҳингни!

У синглисининг қаравоти, стол остини, ҳатто кийим жавонини ҳам қараб чиқди. Кейин диван ёнига эгилиб, кўғирчоқнинг кийимчасига кўзи тушгандек бўлди. Яхшилаб қараб, қўлини чўзди ва кўғирчоқни чиқариб олди. Қараса, унинг тиллақоши тушиб қолган. Яна бир бор диван остини пайпаслади ва ойисининг йўқолган китобини топиб олди! Кўғирчоқнинг кийимчаларини қоқиб, синглисига тутқизди, Шоҳсанам уйқу ғашлиги билан унинг тиллақоши йўқлигини ҳам сезмай, тинчиб қолди. Мадина бир кўнгли китобни дарров ойимга опчиқиб берсамми, деб ҳам ўйлади. Кейин ярим тунда безовта қилгиси келмади.

Мадина китобни олиб, очиб ўқий бошлади. Саҳифалари букланиб кетган, сиёхли ручкадан қолган доғлар... Еттинчи саҳифада дадасининг хуснихати билан ёзилган изҳорни кўриб, ниманидир тушунгандек бўлди:

“Сора! Бу китобни ҳеч қачон йўқотиб қўйманг! Бу менинг энг сеvimли асарим. Улар каби буюк муҳаббатга эришиш, сизнинг севгингизга етишиш бахтига муяссар бўлиш орзусида Н...”

Пастда чиройли дастхат туширилган ва китоб совға қилинганми, харид қилинганми, ишқилиб қандайдир сана ҳам ёзилган, бир четига сиёх тегиб қолгани учун йилини билиб бўлмасди.

Мадина мийиғида кулиб, китобни варақлашда давом этди. Деярли ҳар ўн-ўн беш саҳифа орасида шундай изҳорлар ёзиб борилган, “Сиз”лар “Сен”га айланиб борган эди. Китобнинг қирқинчи саҳифасида эса бутунлай бошқача манзарага дуч келди: саҳифа ранги билан деярли фарқланмайдиган, ўқилавериш эскириб кетган бир неча кўлёмалар китобга худди ўз саҳифасидек ёпиштириб чиқилган эди. Мадина уларни ўқиб чиқмоқчи бўлди-ю, кейин у ойисининг шахсий кечинмалари эканини ўйлаб, китобни ёпди...

– Ассалому алайкум, ойижон! Хайрли тонг!
– Мадина хуш кайфиятда ойисига салом берди.

– Ваалайкум ассалом. Уйга кириб, нонуштангни қил. Ҳовлини ўзим саранжомлаб оламан. Мактабингга кеч қолиб юрма.

– Хўп, ойи... – Мадина китобни бериб, эрталабдан кайфиятини кўтармоқчи бўлган эди, ойисининг рўйхуш бермаётганини кўриб, индамай ортига қайтди.

Мактабга келса, Дилнавознинг ҳам кайфияти йўқ, бирор-та китоб дўконидан ҳам ўша китобни тополмабди.

– Яна битта китоб дўкони қолди, ўша ердан ҳам тополмасам, пулини бераман, Мадина...

– Майли, кўявер. Керакмас. Уйда экан, қайтариб берибсан. Менинг эсим йўқ десам, сен ҳам... Синглим ўйнаб-ўйнаб, диваннинг тагига яшириб қўйибди. Топилди.

...Уйга келиб кийимларини алмаштирди, ойиси зарда билан келтириб қўйган таомни бир амаллаб тановул қилди. Кейин ҳовлига чиқиб, у-бу юмушларга аралашиб юрган бўлди, Шоҳсанамни ўйнатди. Қош қорая бошлаганда ойисининг хонасига кирди.

– Ойи, мана китобингиз...

– Воой, қаерда экан? – ойисининг чехраси очилди.

– Уйда. Санамингиз диван остига яшириб қўйган экан...

Кеча тунда топиб олдим.

– Нега эрталаб чиқариб бермадинг?!

– Уни ўқиб чиқмоқчи эдим. Ўқиб бўлдим.

– Ҳаммасиними?!

– Ҳа. Ва нега бунчалик жаҳлингиз чиққанини тушуниб етдим. Кечиринг мени...

Соранинг лаблари титради. Кўзлари ёшга тўлди. Қизининг ёнига яқин келиб, уни бағрига босди. Узоқ йиғлади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади. Мадина бу йиғининг сабабини тушунолмасди.

– Йиғламанг, ойи. Мен ҳеч нимани ўқиганим йўқ. Еттинчи

саҳифадаги сўзларга кўз югуртирдим-у, кейин китобни ёпиб қўйдим. Дилнавозга китобни топганим ҳақида айтсам, ишонмаслигини билиб, унга кўрсатиш учун ўзим билан олиб кетгандим...

– У китобда даданг билан унаштирилмасимиздан аввалги мактублари, ҳарбийдан юборган хатлари бор... Китоб саҳифасидек елимлаб чиққандим. Бу китобда бизнинг йиллар тўзонида тўзимаган ҳаётимиз, буюк севгимиз яшайди... Шунинг учун бу китобни ҳаммадан яшираман, эҳтиёт қиламан. Бу китоб сен учун эски бир даста қоғоз парчасидир, аммо мен учун у жуда қадрли...

– Ойи, бир нима сўрасам, жаҳлингиз чиқмайдими?

– Нима?

– Ўша мактубларни ўқиб беринг.

– Қандай бўларкин?

– Илтимос, ойи. Ахир менинг ҳаётим ҳам шу муҳаббатдан бунёд бўлган.

Сора Мадинадан бундай гапни кутмаганди. Фалати бўлиб кетди. Боягина Мадина “ҳаммасини ўқиб чиқдим” деганида бунчалик хижолат бўлмаганди. Бироз тараддудланиб турди-ю, ҳозиргина маҳбубидан хат олган бўй қиздек юзлари қизариб, мактубларни бирма-бир ўқий бошлади.

...Ишдан қайтгач, кечагидан бутунлай бошқа манзарага гувоҳ бўлган Нурмат таниш сўзлар жарангини эшитиб, эшик олдида тўхтаб қолди:

“Ўтаётган кунлар худди асрдек чўзилади. Бошқа давлат сарҳадларида, бошқа тилда сўзлашувчи бегона одамлар орасида менга фақат сенинг табассуминг аксланган сурат таскин беради...”

“Бизни Саратовга юборишди. Бу ерлар совуқ, қиши изғирин. Баҳорни, қуёшни, сени соғиндим. Вақт тезроқ ўтишини истаяпман, сенинг ёнингга борадиган кунларим етиб келишини кутаяпман...”

“Сора! Уйга қайтишимизга жуда оз фурсат қолди! Шу ой охирида қайтамыз. Ҳаммадан ҳам сени кўргим келяпти. Яшириниб бўлса ҳам вокзалга чиқ. Сени кўришим керак...”

– Шу хатлар ҳалиям турибдими?

– Вой, дадаси, қачон келдингиз? Сезмабман ҳам. Яхши келдингизми?

Нурмат индамай кўлидаги дипломатни очди. Ҳар хил ҳужжатларни чиқариб ташлади. Ниҳоят, излаганини топди-ми, юзи ёришиб кетди. Соранинг ёнига келиб, бир даста конверт узатди.

– Нима бу?

Сора конвертларни оларкан, қўллари титради. Бир неча конверт кўлидан тушиб кетди. Мадина конвертлардан бирини олиб, очди, ичидан Соранинг сочларини майда ўриб тушган оқ-қора сурати билан бир варақ қоғоз чиқди:

“Нурмат ака! Ўтган сафарги мактубимда суратимни юборолмагандим. Сизга айтганимдек, сочларимни майда ўриб тушган суратимни юбораяпман. Бир пайтлар бирга айланишга чиққан адирларимиз лолаларга бурканган. Ўша кунларга қайтгим келяпти. Қани эди ўша кунлар қайтиб келса... Тезроқ келсангиз, ҳали кўп ўша адирларга чиқиб, лола терамиз-а? Сўз берасизми? Ўша кунларни интизор бўлиб кутаман. Сизсиз жуда қийин... Бу дунёда ҳеч ким мен учун Сиз бўлолмайди. Сиз учун, тезроқ қайтиб келишингиз учун дуо қиламан. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!”

Сора ҳам, Нурмат ҳам айни дамда ўтмишдаги унутилмас кунлар соғинчидан, муҳаббат боғининг сара гуллари ифорида сармаст эдилар.



Рассом М. АБДУЛЛАЕВ

Алия ТЕМУРИЙЗОДА

Келин қандай танланади?

Темурдек улуғ ҳукмдор келин танлашни давлат ишлари билан тенг кўрган экан, демак, бу ишга чандон масъулият билан ёндашмоқ ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Ахир, келин бу – келажак авлод, тоза насл, тотув оила, саранжом рўзгор дегани.

Илгари ўзбеклар ҳаёти ичкари ва ташқари ҳовлига ажратилган даврларда махсус совчи аёллар тўй-ҳашам, мавлуд-маъракаларда қизларнинг дарагини эшитиб, имкон бўлса, ўзини кўрган, савдони эса эркаклар пиширган. Ахир, эр кишининг сўзи сўз, бу билан аҳднинг қатъийлиги ва маҳкамлиги кафолатланган. Бизнинг замонда эса келин қидириш бирмунча осонлашди, аммо совчилик масъулияти заррача камаймади. Аксинча, ортди. Чунки энди ижтимоий тармоқлар, гўзаллик салонларию махсус фотокамера ва фотошоп аталмиш сеҳрли таёқча шундай гўзал, ақлли қизларни (аниқроғи, улар ҳақидаги иллюзияни) яратмоқдаки, бу ҳолатда зарни баҳоламоқ учун ҳақиқий заргар бўлмасангиз, ишлар чатоқ. Ахир, интернетдаги суҳбатларию чиройли суратлари билан қизлар йигитлар қалбига йўлни анча қисқартира олдилар. Лекин оналар ҳушёрликни бой бермасликлари керак. Ёшлар оила қуришда хато қилмаслиги учун катталар тажрибаси жуда муҳим. Хўш, келин танлашда нималарга эътибор бериш кераг-у, нималар у қадар аҳамиятли эмас?

Насл-насаб. Бу ўта муҳим шарт. Бўлажак келиннинг таг-зоти суриштирилади. Мақсад – қиз оиласининг мансаб-мартабасини эмас, уруғ-аймоғида гиёҳванд, ақли ноқис, ичкиликбоз, маънавий бузуқ одамлар бор-йўқлигини билиш. Чунки бу иллатларнинг “суяк суриши” ҳеч кимга сир эмас. Албатта, ота арақхўр бўлса, қизининг бахтли оила қуришга ҳай йўқ дегани эмас бу. Шунчаки, “Эрусен шоҳ, агар огоҳ-сен сен”. Яъни олдиндан билсангиз, қарши чораларни қўллаш имкониятингиз ортади.

Оилалар мослиги. Бу куда бўлмоқчи бўлган оилаларнинг дунё-қараш, қадриятлар ва интеллект томондан мослиги, демакдир. Кимдир келиннинг сепига қарайди, кимдир ички дунёсига. Бордию ўртада муҳаббат бўлиб, ёшлар бу нарсаларга эътибор бермаса ҳам, катталар, албатта, буни назардан соқит қила олмайди. Чунки туй-гулар ўткинчи бўлиши мумкин, аммо тарбия ва одатлар бир умрлик. Қолаверса, ҳамма оилалар ҳам йигит ва қиз муҳаббати устига қурилавермайди, совчилар орқали келишиб оила қураётганлар кўпчилики ташкил этади. Демак, бу жиҳатни, албатта, эътиборга олиш керак.

Саломатлик. Нега буни учинчи ўринга қўйдик? Асло муҳимлик жиҳатига кўра эмас, ахир саломатликдан муҳимроқ нима бор? Гап жараённинг тартибиди. Негаки ҳеч ким насл-насаби ва оиласини суриштирмай туриб қизнинг ўзига қизиқа бошламайди. Демак, сиз наслини суриштирдингиз, оиласини ўргандингиз ва ниҳоят, қизга эътибор қаратасиз. Агар бирон жиддийроқ дарди бўлса, буни яшириш мушкул. Лекин айрим касалликлар пинҳона кечади. Аёлларда ички туйғу, сезги бор. Шу орқали келинни тафтиш қилсалар бўлади.

Уй тутиш. Қизлик уй саранжому саришта бўлиши табиий. Аммо бу қизнинг ишимикан ё янгаларининг? Совчилар баъзида гиламни кўтариб тагини кўради, кўрпачаларнинг астарига қарайди, дастурхонни ғижимлаб боқади. Булар бари маъқул. Лекин психологлар уй ҳайвонларига ҳам эътибор беришни тавсия қилишади.

“Ўвилларим, набира-ларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, етти пушти-ни суриштирдим. Хос одамлар орқали совлик-саломатлиги, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб келин туширдим”.

Амир Темур

Онаси. Онасини кўриб қизини ол, деган гап бежиз айтилмаган. Сиз онасини нафақат ташқи тарафдан кўринг, унинг қариндошлар билан муносабатини ҳам тафтиш қилинг. Қайнбўйин билан яхшимикан, меҳмондўстми, қайнонасининг дуосини олганми, ўз жигарларига оқибатлими? Буларнинг бари бўлажак келиннинг феълида, одатларида акс этиши тайин.

Нима қилмаслик керак?

Кўп сўзламанг, кўп тингланг, айниқса, биринчи боришда. Мум тишлаб ўтиринг, ҳам демаймиз. Албатта, исми-шарифингиз, ўғлингизнинг ёши, маълумоти, касб-кори каби маълумотларни айтишингиз керак. Аммо кўпроқ келин томон ҳақида ахборот йиғишга урининг. Агар тўплаган маълумотларингиз ўзингизга маъқул келса, кейин секин куёв бўлмиш ҳақида гап очишингиз мумкин. Бирданига ўғлингизга тегишли ҳамма маълумотларни айтиб қўйиш тизгинни қизнинг онасига топширишдир. Қарши томон сиздан олган маълумотга қараб ўзи ҳақидаги хабарларни тахирлаб, сизга мослаб, демакки, аслидан бошқачароқ қилиб айтиши мумкин.

Хулоса чиқаришга шошилманг. Қизнинг онаси совчилар олдида ҳаяжонланиши, гапини йўқотиши мумкин. Бундан аёл ниманидир яширяпти, гапини эплаб гапира олмас экан, деган хулосаларга келманг. Агар шу оилага кўнглингиз чопган бўлса, онаси учун яна бир имконият беринг.

Ички овозингизга қулоқ тутинг. Баъзида совчиликка бориб рисоладагидек оилани топдим дейсиз-у, уйга қайтгач негадир кўнглингиз ғаш бўлади. Бу бежиз эмас: аёлларда ички сезги кучли, ўзингиз биласиз. Хўш, нимага кўнглингиз ғаш? Шу савол устида бош қотиринг.

Қарор қабул қилишга шошманг. Бу – умр савдоси. Ўғлинингизни ҳам зўрламанг. Эҳтимол, битта кўришда у қарорини айта олмас ёки атрофдагилар босими остида қарорини кейин ўзгартириб қолар. Шу сабабли кўнгил “жиз” этмаган, пухта ўйланмаган вариантни шошилиб тасдиқлаб қўйманг. Бир кунлик тўйнинг орзу-ҳаваси деб қилган шошқалоқлигингиз кейин қимматга тушиши мумкин. Бир марта учрашди нима-ю, икки-уч марта нима? Керак бўлса, ҳеч бир олди-бердиз, йигит ва қизнинг шунчаки яна бир бора учрашишига имкон яратиб беринг. Шунда ҳам юрак сапчимаса, бу савдони қўйинг.

Хуллас, умр савдоси савдоларнинг мушуки. Ўғлинингизга қиз танлаш масъулиятини зиммангизга олган экансиз, етти ўлчаб бир кесиш кераклигини яхши биларсиз?..

Эл мақтаган қизни ол...

Қиз танлаш асносида у ҳақда суриштира бошладингиз. Биров у дейди, биров бу. Сиз яхшини ёмондан, ҳақни ёлғондан ажратиб ола билишингиз керак. Қаранг-чи, мақтаётган ким, ёмонлаётган-чи? Улар сизга яқин одамларми ё қиз томонга? Холис гапиряптими ёки бирон ғарази борми?

Халқимиз бир нарсани билмаса гапирмайди. “Онаси мақтаган эмас, янгаси мақтаган қизни ол”, деган мақолни ҳам бежиз айтмаган. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Жумладан, қизини мақтамайдиган оналару ёмон қайнсингилни мақтайдиган янгалар ҳам учраши мумкин. Қуйида шуларнинг дардини тинглаймиз ва муҳокама қиламиз.

“...Қизим эндигона 18 га тўлди. Аммо хотиним туну кун уни турмушга беришни ўйлайди. Ким кўринса, қизимизни мақтаб, “Келин қилганинг жони роҳатда қолади”, дейишини қўймайди. Нуқул қимматбаҳо кийиму тақинчоқлар билан арчани безатгандек қизимизни ясантириб, тўй-ҳашамларга олиб боради. Аммо қизига бирон ҳунар ўргатиш, ўқитиш, уй-рўзгор ишларига солиш ёки одоб-ахлоқдан дарс беришни ўйламайди. Мен кўп марта унга бу борада танбех бераман, аммо у: “Мана кўрасиз, қизимни зўр жойга узатаман”, дегани-деган. Ахир гап фақат мақтаб-мақтаб узатиб олишда эмас-ку. Қиз бола борган жойида тиниб-тинчиб кетиши учун ҳозирдан замин ҳозирлаш керак эмасми?..”

Фарҳод ака

Отанинг ҳадикларида жон бор. Бугунги кунда кўп оналар чалинган касаллик бу. Уларнинг дарди нима қилиб бўлса ҳам қизини бой-бадавлат жойга узатиш. Қолгани ўз-ўзидан яхши бўлиб кетади, деб чучварани хом санашади. Қизнинг касб-ҳунар ўрганиши, илм-фан эгаллаши, рўзгорни эплаб кетиши муҳим эмасдек. Мақтаб-мақтаб узатган билан эртага у қиз келин бўлиб борган уйида ўша мақтовларни оқлай олмаса, уй-рўзгор юмушларини эплай билмаса, нима бўлади? Она бўлгач қизини мақтайди-да дерсиз, тўғри, буну тушуниш мумкин. Аммо нуқул: “Менинг қизим ундоқ, менинг қизим бундоқ, фақат шахзодаларга муносиб”, дейилаверса, совчиларнинг энсаси қотмайдими? Ё ростдан ҳам шундаймикан деган шубҳага бормайдими? Оналар, қизингиз келин бўлиб тушган хонадониди туп қўйиб, палак ёзиб кетсин, қийналмасин десангиз уни ҳадеб мақтаманг, шундай тарбия берингки, токи бошқалар ҳавас қилсин, мақтасин.

“...Онам мени ҳеч қачон мақтамайди. Бирон яхши иш қилсам, бир оғиз “баракалла, қизим”, деган гапларини кутаман. Аммо улар индамайдилар. Бошқалар мени мақтаса, хурсанд бўлиш ўрнига: “Нима бўлпти? Мақтайверманг, талтайиб кетади”, дейдилар. Ўртоқларимнинг онаси ҳеч нимани билмайдиган, эпсиз қизларини чиройли кийинтириб, мақтаб-мақтаб яхши жойларга узатиб юборишди. Онамнинг эса энгил-бошим билан иши йўқ. Уй-жойимиз бир аҳволда. Таърифимни эшитиб келган совчилар уйимизни кўриб айниб кетишяпти. Совчилар билан муомала қилиш, уларга, майли, оширмай-тоширмай, боримни таърифлаб беришни ҳам билмайдилар. 28 га чиқдим. Бахтим очилмаётганида онамни айбдор деб биламан...”

Сарвиноз

Бу ерда гап она билан қиз ўртасидаги чуқур психологик муаммоларга бориб тақалади. Баъзи оналар тарбияда қаттиққўлликни маъқул кўришади. Аммо ҳар қандай қаттиққўллик тагида болага нисбатан меҳр туриши, у ноҳақликка, адолатсизликка айланиб кетмаслиги керак. Юқоридаги вазиятда оз-моз шундай бўлганга ўхшаяпти. Фарзандга ўзи муносиб бўлган баҳо берилмаган. Тасаввур қилинг, сиз ҳалол меҳнат қилдингиз, аммо ҳақингизни беришмади. Яхши иш қилганда мақтов эшитиш бола-нинг ҳақи. Шу ҳақ берилмаса, унинг қалбида қат-қат алам йиғила боради. Натижада бир кун келиб ўша бола онасига нисбатан қарана-қарши қутбга ўтиб олади, барча омадсизлигида онани айблайдиган бўлади. Қизнинг бахти уй-жой ёки онасининг оғзидан чиқадиغان мақтов ё ялтир-юлтир кийимларга боғлиқ эмас. Лекин буну англаши учун қизнинг кўнглидаги аламлар, онага қўйилган айбловлар йўқолиши ва ўрнини тоза, самимий туйғулар эгаллаши керак. Бунинг учун, аввало, она қизига бўлган муносабатини ўзгартириши лозим. Беғубор, ҳаётдан хурсанд, ўзига ишонган қизнинг бахти, албатта, очилади.

Энди бу қизга икки оғиз гап айтсак. Бекорга онангиздан хафа бўляпсиз. Сизнинг бахтингиз онангизнинг эмас, ўзингизнинг қўлингизда. Онаси мақтамаган қизларнинг ҳам бахти очилади, ишонаверинг. Аламзадаликни қўйинг, бу қиз болага безак бўлполмайди. Ҳаётга ёруғ ниятлар билан боқинг. Таърифимни эшитиб совчилар келяпти, деяпсиз. Демак, яхши фазилатлар бисёр сизда. Уй-жойингизга қараб келин қиладиганларни нима қиласиз? Яхши ният қилинг, ўзингизни қадрлайдиган одам топилади, албатта.

(Давоми кейинги сонда).

Ғариб Меҳди,
Хизмат кўрсатган журналист,
Ҳасан бей Зардобий ва Мамад Араз
мукофотлари совриндори

Синмаган

вафо

Ҳикоя

Одатда инсонга икки гўзалликнинг баробар берилиши камдан-кам учрайдиган ҳол. Аида хонимдан эса парвардигор ўз лутфини дариг тутмаган эди. Уни ҳам гўзал, ҳам ақлли қилиб яратганди. Бўлимнинг эркаклари унга мафтун, аёллари ҳасад қиларди. Ана шу икки қуролдан қайбири кучлироқ эканини англаш мушкул эди. Индамай турганида малоҳати, сўзлаганида билими, ақл-заковати намоён бўларди. Аёлларнинг кўпчилиги ўзининг иккинчи ўринда эканини тан олмаса-да, бу ерда ишлаётган ҳар бир аёл кўнглининг тубидан “қошки, шу Аиданинг ўрнида мен бўлсам эдим”, деган фикр ўтар, эркаклар эса “у меники бўлганда қанийди”, деб хўрсиниб қўйишарди. Орзуларнинг садди, сарҳади бўлмайди. Орзулар ўз соҳибларига тегишли бўлгани учун на ахлоқ кодекси, на қонунга бўйсинади. Улар тилга олингунларига қадар ана шу салоҳиятга эгадирлар. Тил божхона минтақасидир. Исталган яширин нарсани олиб ўтолмайсиз. Бунга жаҳд қилган кимса ўз шаънини асраш масъулияти, жазога тортилиш хавфи билан юзма-юз келади.

Аида хоним эртак қаҳрамонларига жуда ҳам ўхшарди. Бекам-кўст қомати, сутга чайилгандек оппоқ юзи, пуш-

ти ёноқлари, камон қошлари, маъноли чиройли кўзлари, меъёрида қилинган пардози билан шоирлар васф этган афсонавий соҳибжамолнинг ўзгинаси эди. Дид билан турмакланган сарғиш сочлари ўз ёшига ниҳоятда муносиб эди. Мулоим табассуми, ёқимли кулишининг жловини доим тутиб турарди. Аёллар гаплашишни хуш кўришади. Унинг эса гаплашиб ўтиришга вақти бўлмасди. Вақт топилганда ҳам сўзлари узра тежамкорлик қайчиси шай турар, қисқа ва лўнда сўзларди.

Аида хоним табиатан некбин инсон бўлиб, атрофидагиларга яхши кайфият улашар, саволларга хушмуомалалик билан жавоб берар, маслаҳатини аямас эди.

Унинг яхши кўрган машғулотларидан бири муталаа эди. Ҳамиша ўз илмий малакасини оширишга интиларди. Қизиқарли мақолалари матбуот саҳифаларида эълон қилинар, телевизион каналлар вақти-вақти билан кўрсатувларга таклиф этишарди. Ҳалоллик билан эришган илмий даражаси ҳам бор эди. Бўлим бошлиғи ўзининг илмий мақолаларини, маърузаларини унга кўриб чиқишга берар, мулоҳазаларини инobatта оларди.

Аёллар ўз устунликларидан имкон борица фойдаланишга одатланган бўлишади. Албатта, ҳаммаси эмас. Аида хоним ҳам ана шу камчиликдагилар сирасида эди. Ўз устунликларидан суиистеъмол қилган ҳолда заифларни эзишни, камситишни ҳеч ёқтирмасди. Бу эса муайян қадар таажжубли ҳол эди, шундай эмасми?

Аида хоним бошқа бир илмий муассасада ишлайдиган нуфузли олимнинг умр йўлдоши эди. Икки фарзанди уни меҳр билан “она” деб атарди. У ҳам бу меҳрни ўн баробар қилиб болаларига қайтаришдан ҳузур қилар эди. Аҳён-аҳёнда учрайдиган оила билан боғлиқ сўроқ-саволларга қатъият билан ойдинлик киритарди:

– Оилада ҳам раҳбар битта бўлади. Уйимизнинг раҳбари – болаларимнинг отаси.

Ходимлар қаршисида “истеҳком билан ўралган мустаҳкам қалъа” турарди. Оиласи бор ёки йўқлигидан қатъий назар, бу қалъани фатҳ этиш орзусида юрганлар оз эмас эди.

Бўлимда ҳаёт бир маромда давом этарди. Кунларнинг бирида кутилмаганда кадрлар алмашуви юз бериб, хизматдошлардан бири кетди ва унинг ўрнига бошқа бири қабул қилинди.

Ўша янги келган ҳамкасаба умрининг бўйдоқлик-султонлик қисмининг юксак мартабасида даврон сураётган Жобир исмли бир йигит эди. Бўлим хизматчилари уни обдан элакдан ўтказиб, ижобий баҳо беришди. Жобир бўйи-басти, соғ-

АИДА ХОНИМ БОШҚА БИР ИЛМИЙ МУАССАСАДА ИШЛАЙДИГАН НУФУЗЛИ ОЛИМНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ ЭДИ. ИККИ ФАРЗАНДИ УНИ МЕҲР БИЛАН “ОНА” ДЕБ АТАРДИ. У ҲАМ БУ МЕҲРНИ ЎН БАРОБАР ҚИЛИБ БОЛАЛАРИГА ҚАЙТАРИШДАН ҲУЗУР ҚИЛАР ЭДИ. АХЁН-АХЁНДА УЧРАЙДИГАН ОИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ СЎРОҚ-САВОЛЛАРГА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОЙДИНЛИК КИРИТАРДИ: – ОИЛАДА ҲАМ РАҲБАР БИТТА БЎЛАДИ. УЙИМИЗНИНГ РАҲБАРИ – БОЛАЛАРИМИНГ ОТАСИ.



Рассом М. АБДУЛЛАЕВ

ломлиги, илмий малакаси, топшириқларни ўз вақтида бажаришини кўрган ходимлар унинг яхши хизматдош эканлигини тан олишди. Ишидан ҳам, маошидан ҳам унинг кўнгли тўлди. Лекин телба бир ҳис, бунинг номини “савдо” дейдилар, унинг елкасига улдасидан чиқиб бўлмайдиган муаммо юклади. У кўзларига худди эртақлар дунёсидан келгандек кўринган кўҳликкина Аида хонимга ошиқи беқарор бўлди-қолди. Бу ошиқлик тўсатдан чақнаган чақмоқ мисоли унинг вужудини ларзага солди. Бу ғавғодан қутулиш осон эмаслигини Жобир аниқ биларди. Халос бўлиш учун қарши тараф ёрдам қўлини узатмаса, аҳволи чатоқ бўлиши муқаррар.

Ишдаги ишқ можаролари табиий ҳол эканлигини ҳамма билади. Бахтли оилаларнинг бир қисми айнан иш жойида туғилиши ҳам янгилик эмас. Ақл бир томонга, юрак эса бошқа томонга йўналганда муассаса ишларининг оқсаши ҳам майлига, ўша севишганлардан тўй таклифномаси келса, бас.

Жобир Аида хонимнинг оилавий шароитини эътиборга олмай ақли, гўзаллиги билан ҳаммани ҳайрону маҳлиё қилган малакка чунонам шайдо бўлдики, асти қўяверасиз. Бир тарафдан қараганда унинг бу ҳаракатини ҳеч оқлаб ҳам бўлмасди. Лекин севги оламининг ўз қонунлари, тўғрироғи, ноқонунийликлари ҳам бор-да. Бу туйғуни ўтакетган хомхаёллик дея дўқ-пўписа қилиб, севги йўқ дея тақиқлаб, уни таънаю надоматларга кўмиб бўлмайди. Узоққа боришга ҳожат ҳам йўқ, шу бўлимнинг ўзида ана шундай севги соҳиблари бор, ахир. Улар хавф-хатар ва маломатлардан нарироқ бўлиш учун севги номли девона булбуллари кўнгил номли қафасларида жиддий назорат остида сақлайдилар. Четдан туриб баҳраманд бўлаётган нур, қувват билан кифояланадилар. Жобир бу гуруҳнинг оддийгина аъзоси бўла олмасди. Унинг юраги Аида хонимга бўлган севгидан туғён урарди.

Бу севги Жобирга нима бера оларди? Оила ҳаётиними ёки ошиқ-маъшукликними? Бу саволга қан-

дай жавоб беришни ҳам билмасди. Севги тумани ичида ўз йўлини тамоман йўқотган эди. Фақат фикру хаёлини ўғирлаган Аида хоним билан бирга бўлишни ўйларди.

Аида хоним эса ё ҳеч нарсани кўрмаётган, ёки кўрмасликка олаётган эди. У ўзини аввалгидек хотиржам, босиқ тутар, шоҳона аёллик гурурини авайлаб-асрарди.

Жобир бунга тушуниб турарди. Одатда севги жанг-жадаллари эркаклар бошлаб беради. Демак, эртами, кечми сарҳад деворлари қулаб, Жобир бу қалтис қадамни босиши муқаррар эди.

Жобир журъатланганида гўё Аида хонимни кўрмас, бошқа аёлларга мақтовлар билан тўлиб-тошган хушомадлар ёғдиран эди. Янги, ёш ҳамкасбанинг диққат-эътибори, маданиятини юксак баҳолаган хонимлар унга ташаккур билдиришар, лаззат қанотида ҳузур осмонида парвоз этардилар. Бундай пайтларда хушомадлар устаси оташи куйдириб кул қилган маҳлиқога ҳатто кўз қирини ҳам ташламас эди: "Мени куйдирганни жавобсиз қўймайман. Мен унинг "рақиб"ларини кўкларга кўтариб ўзини куйдираман".

Аида хоним Жобир тарафдан ёғётган хушниятли сўзларга аҳамият бермасди. Синчиклаб қараганда айтилатган мақтовлар фақат унгагина муносиб эди. Бутун бу таърифларни ўзида жамлаган бир сиймо гавдаланганда Аида хоним кўринарди.

Бир дафъа мақтовлар ёмғиридан сўнг Жобир Аида хонимнинг ёнидан ўтаётган аста пичирлади:

– Ҳеч безовта бўлманг, айтганларимнинг сизга дахли йўқ.

Аида бошини кўтариб, йигитнинг сўзларига бирор жавоб қайтармади, шунчаки мийиғида кулимсираб қўйди. Бу сўзсиз табассум биргина маънони англатарди: "Ўзингни қийнама, мақсадинг аён".

Жобир Аида хонимга бўлган муносабати биртарафлама эканини, унинг Васиф исмли турмуш ўртоғи, икки фарзанди борлигини эшитган бўлса-да, ўзини тутта олмасди. Бу нозиктабиат хонимнинг умр йўлдоши ҳам ўзига муносиб бўлса керак, дея ўйларди у. Ҳамкасблар орасида оила ҳақида суҳбатлар чоғи ташқарига чиқиб кетар, тинглашни истамасди. Назарида, Аида хоним фақат ўзи билангина узукка кўз қўйгандек кўринарди.

Ахийри бир куни Жобир "ёрилди". Ҳамкасбларидан бирининг никоҳ маросимида кулай фурсатдан фойдаланган Жобир Аида хонимга дардини очиқ-ойдин баён этди:

– Сизнинг оилангиз йўқ, ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитманг. Эшигингизни қоққан биринчи совчи мендан бўлади.

Бу кечага ҳамма оиласи билан келганди. Касбдошлар биргаликда рақсга тушар, ўйин-кулги қилишарди. Аида хоним рақсга тушаётган суҳбат мавзусини бошқа тарафга бурди:

– Рақсга уста экансиз.

Муסיқа тингач Аида хоним Жобирни эри Васиф муаллимга таништирди. Аёлидан ёши анча катта кўринган Васиф муаллим бу танишувдан мамнунлигини билдириб деди:

– Бағоят хурсанд бўлдим. Аида менга сиз ҳақингизда жуда яхши гапларни айтган. Билимли, ҳаракатчан, дейди. Ҳали оила қурмаган экансиз. Уйланиш ниятингиз бўлса, Аида билан биз элчилик қилишга тайёрмиз.

Базўр ўзига келган Жобир бир амаллаб миннатдорчилик билдириб, тезгина улардан узоқлашди.

Аида хоним кўнгли кенг аёл эди. Жобирнинг мағлубиятидан ғурурланмади. Ҳеч нарса бўлмагандек ҳаммага аввалгидек муносабатда бўлиб, чиройли муомаласи билан дилларни хушнуд этиб юраверди. Кўп ўтмай бўлимга куёшдек нур сочаётган Аида хонимнинг чеҳрасида қора булутлар сояси кўрина бошлади.

Лекин у дардини дастурхон қилишни ёқтирмасди. Имкони борича бу оғир юкни ўзи кўтаришга уринарди. Лекин оиласида қўққисдан юз берган ҳодисалар тоқатини тоқ қилаётган эди. Унинг чамандек яшнаб турган юзини ғам қирови қоплай бошлади. Бу қиров эрта-индин қорга, музга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Бу кескин ўзгариш ҳамманинг кўз олдида содир бўлаётганди. Атрофдагилар бу ўзгаришга бефарқ қололмасдилар.

Аида хоним ортиқ сир сақлаб ўтиришни фойдасиз ҳисоблаб, оила дуч

келган нохуш ҳол ҳақида сўз очди. Эри Васиф муаллим юрак хасталиғи билан касалхонага тушганди. Шифокорларнинг айтишича, жарроҳлик йўли билан даволашдан бошқа илож йўқ экан. Бу қарор хатарли экани кундек равшан эди. Ҳамкасблар илиқ сўзлар билан унга тасалли бериб, кўнглини кўтаришди. Юрак жарроҳлиги ҳозирги кунда қийин амалиёт эмаслигини, ҳаммаси яхши бўлишини, бемор тузалиб кетишига ишонишни, хорижга чиқишга ҳожат йўқлигини, тиббиёт ўлкада ҳам тараққий этганини уқтиришди. Ҳаммаси пулга боғлиқлигини, пул бўлса, саломатлик ҳам жойида бўлишини таъкидлашди.

Бир қиёфадан иккинчи қиёфага кириш Жобирнинг қўлидан келмасди. На кадарлана, на севина оларди. Уртада турган тўсиқнинг бартараф бўлиши унинг мақсадига осон етишишга умидвор қиларди. Бу мақсад уни ҳаётнинг боши берк кўчаларига етакларди. Бу кўчаларда дераза йўқлиги боис, чироғи ҳам йўқ эди. Бу йўлнинг инсоний йўл эмаслигини Жобир ҳис қиларди. Асл ошиқлар бу йўлнинг йўловчиси бўлолмайдилар. Бошқалар рақиб билан курашса, Жобир ўзи билан кураш олиб борарди. Ўз устидан ғалаба қозонишни энг буюк ғалаба деб бежиз айтмайдилар. Бу унинг қўлидан келармикин?

Васиф муаллимнинг юрагидаги жарроҳлик амалиёти муваффақиятли натижаланди. Аида хонимнинг гўзаллиги яна ўзига қайта бошлади. Ҳамкасблар гуруҳларга бўлиниб, Васиф муаллимни кўришга борардилар. Агар бормай яққаланиб қолса, шубҳа уйғотишини англаган Жобир бор

БИР ҚИЁФАДАН ИККИНЧИ ҚИЁФАГА КИРИШ ЖОБИРНИНГ ҚЎЛИДАН КЕЛМАСДИ. НА КАДАРЛАНА, НА СЕВИНА ОЛАРДИ. ЎРТАДА ТУРГАН ТЎСИҚНИНГ БАРТАРАФ БЎЛИШИ УНИНГ МАҚСАДИГА ОСОН ЕТИШИШГА УМИДВОР ҚИЛАРДИ. БУ МАҚСАД УНИ ҲАЁТНИНГ БОШИ БЕРК КЎЧАЛАРИГА ЕТАКЛАРДИ. БУ КЎЧАЛАРДА ДЕРАЗА ЙЎҚЛИГИ БОИС, ЧИРОҒИ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ. БУ ЙЎЛНИНГ ИНСОНИЙ ЙЎЛ ЭМАСЛИГИНИ ЖОБИР ҲИС ҚИЛАРДИ.

Шахло ҚОСИМОВА Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Рус, ўзбек, озарбайжон тилларидан таржималар билан шуғулланади.

Озарбайжонлик олима, журналист Сўна Валиеванинг “Дунё кўзларимда нимпушти рангда” деб номланган шеърий китоби, ёзувчи, олим, драматург Фироз Мустафони “Денгиз кўчманчилари” қисса ва ҳикоялари китоби, ёш шоира Лайло Алиеванинг “Дунё тушдек эриб бормоқда” номли шеърий тўпламининг таржимонидир.

Боку шаҳрида “Белый танец” (2019) ҳамда “Денгиз кўчманчилари” (2020) таржима китоблари нашр этилди.

Таржимонлик фаолияти юртимиз ва Озарбайжонда эътироф этилиб, адабий давралар мукофотига лойиқ қўрилган. Шахло Қосимова Озарбайжон Ёзувчилар бирлигининг ва Али Карим номли Сумгаит шаҳри Поэзия уйининг фахрий аъзосидир.



кучини тўплаб, гуруҳлардан бирига қўшилиб олди. Бу ҳаракатидан Аида хонимнинг хурсанд бўлганини сизди. Васиф муаллим ҳам уни кўриб севинди. Ҳатто аввалги ваъдасини эсга олди:

– Биргина бўйдоғингиз бор, шуни ҳам уйлантириб қўяқолайлик, демайсиз. Ўзимга келиб олай, Аидани ёнимга олиб, ўша айтган элчилик миссиямизни амалга оширишни бошлаймиз. Бундай бўлмайди, ахир...

Тилаклар, дуолар, шифокорлар заҳмати ўз самарасини бериб, Васиф муаллим соғая бошлади. Шифокорлар бир ойлар чамаси вақт ўтгач, унинг яна ўз ишига қайтиши мумкинлигини айтишди.

Бир куни бўлимда кутилмаган ҳодиса юз берди. Ҳамма ўз иши билан машғул бир пайтда Аида хонимнинг кўзлари кўмак истагандек ҳамкасбларига жавдиради. Ўша куни бу кичик жамоанинг кайфияти хуш эди. Маошлар пластик карталарга ўтказилганди. Ҳамма ишдан чиққан заҳоти банкоматдан пуллари ечиб олиши мумкин эди. Аида хоним эса бу хурсандчиликка шерик бўла олмасди. У қўлида ниманидир тутиб турарди. Унинг безовталиги ҳамкасблари назаридан четда қолмади. Кимдир бунинг сабабини сўради:

АИДА ХОНИМ БОСИҚЛИК БИЛАН РАШК ОТАШИДА ЁНАЁТГАН ҚАЛБНИ ТИЙИШГА ИНТИЛДИ:

– АВВАЛО, БЕМОР ЭРИНИНГ ХИЗМАТИГА ШАЙ ТУРМОҚ ҲАР БИР УМР ЙЎЛДОШИ КАБИ МЕНИНГ ҲАМ БУРЧИМ, АГАР БИЛСАНГИЗ, ВАФО БУРЧИМДИР. У МЕНИНГ БОЛАЛАРИМНИНГ ОТАСИ, БОШИМНИНГ ТОЖИДИР. БУ ТОЖДОР ЭСА БАРЧА МАЪНОЛАРДА ҲЕЧ ҚАЧОН ЭГИЛИШИМГА ЙЎЛ ҚЎЙМАГАН, ШУ КУНГАЧА ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛГАН.

– Аида хоним, ниманидир йўқотганга ўхшайсиз. Ёки бирон кўнгилсизлик бўлди?

– Ҳа бўлди, – дея Аида хоним ўнг қўлини узатди, сиқимини очди. Кафтида иккига бўлинган маош картаси кўринди.

– Ия, қандай қилиб картангиз бу ҳолга тушди?

– Эгилиб, Васифнинг туфлисини кийгизиб, ипларини боғлаётгандим. Шу пайт бир нарсаси “қирс” этди. Шундагина пластик карта халатимнинг чўнтагида эканлиги ёдимга тушди. Не кўз билан кўрайки, у иккига бўлинганди. Энди нима қиламан? Пулга эҳтиёжимиз бор. Ҳозир қаерга боришимни ҳам билмайман. Тезгина бу муаммони ҳал қилишни ким билади?

Бўлимдагилардан энг ёши Жобир эди. Ҳамма беихтиёр Жобирга қаради. Жобир эса шуни кутгандек тилга кирди. Аммо унинг сўзларида кўзланган муддаога – картани алмаштиришга оид бирор-бир фикр йўқ эди. Ҳали ҳам ўз истагидан воз кечмаган Жобир деди:

– Сиз Васиф муаллимнинг олдида эгилдингизми?

Жобирнинг сўзларидан ниманидир ойдинлаштирган зийрак Аида хоним оддийгина жавоб берди:

– Ҳа, мен унинг туфлиларининг ипини боғлаб қўяй деб...

– Хўп яхши, шундай ҳам бўлсин, – дея Жобир қўполлик билан Аида хонимнинг гапини бўлди. – Сиздек юксакларда бўлган бир хоним... – сўзини давом эттира олмади у.

Аида хоним босиқлик билан рашк оташида ёнаётган қалбни тийишга интилди:

– Аввало, бемор эрининг хизматига шай турмоқ ҳар бир умр йўлдоши каби менинг ҳам бурчим, агар билсангиз, вафо бурчимдир. У менинг болаларимнинг отаси, бошимнинг тожидир. Бу тождор эса барча маъноларда ҳеч қачон эгилишимга йўл қўймаган, шу кунгача эъзозлаб келган. Бугун бу инсоннинг танг ҳолида унинг хизматини қилиш – эгилиб, туфлиларининг ипини боғлаш мен учун бир шарафдир. Менга эгилишга имкон бермаганнинг олдида эгилиш нақадар ёқимли эканлигини билсангиз эди... Мен қилаётган хизматларимга мингдан-мигга розиман. Унга шифо тилаб, тилим ҳаммаша дуода. Ўйлайманки, ўз қадрини билган ҳар бир аёл менинг нуқтаи назаримни маъқуллайди.

Хўш, картанинг тақдири нима бўлди? Синган карта маънавият дарсини ўтиб, ўз ишини якунлаган эди. Фақат уни алмаштириш қолганди. Ҳамма Жобирдан умидвор эди. Севги бобида буткул мағлубиятга учраган Жобирни синган картадан кўра кўпроқ ўзининг сингани уйлантирарди: “Шамнинг парвонаси кўп бўлади. Улардан бири мен. Демак, Аида хонимни биздан ҳам ортиқ севган, юксак тутган бор экан. Шунинг учун ҳам Васиф

муаллимни бошига қўяр экан. Мендайларининг юзтасига ҳам алоҳишмайди. Васиф муаллимнинг ҳам, Аида хонимнинг ҳам бахти бор экан”. Жобир ўрнидан туриб, ташқарига йўл олди. Кимдир унинг орқасидан қия очиқ қолган эшикни ёпмоқчи эди, эркаклардан бири:

– Қўяверинг, ташқарига хонамиздан вафо нафаси уфурсин, – деди. Ҳамманинг юзига табассум югурди.



Кулон хотун

Кулон хотун (Хулан) Мўғул империясининг асосчиси Чингизхоннинг суюкли рафиқаларидан бири бўлган. У ўзининг ақл-идроки, ҳозиржавоблиги ва албатта, бетакрор ҳусни билан буюк хоқоннинг қалбини забт этган.

Мўғулларнинг меркитлар уругидан бўлган Кулон хотуннинг қачон туғилганлиги маълум эмас. Кулон хотун мавқеи жиҳатдан Чингизхоннинг тўнғич хотинидан кейин турганлиги ва ўғли борлиги сабаб, хоннинг иккинчи аёли сифатида манбаларда қайд этилган бўлиши мумкин. Малика Темучиннинг ҳурмати ва олқишларига ўзининг қобилияти, фаросати билан эришган эди. Ваҳоланки, Темучиннинг меркитларга нисбатан чексиз нафрати Кулон хотунни ҳам ўз домига тортиб кетиши мумкин эди.

Темучиннинг отаси Есугай баҳодир йигитлик чоғида Онон дарёси бўйида қушларни овлаётиб, йўлда ўтиб бораётган аравага дуч келади. У аравада кетаётганлар ёш келин-куёв эканлигига гувоҳ бўлади. Куёв меркитлар уругига мансуб Еке Челеду исмли шахс бўлиб, унинг ёнидан жой олган келиннинг гўзаллиги Есугай баҳодирнинг эътиборини ўзига тартади. Баҳодир омадини қўлдан бой бермаслик учун уйга қайтиб, икки укасини бошлаб келади.

Вазият жиддийлигини англаган Еке Челеду жонини асраш мақсадида қочишга мажбур бўлади. Есугай баҳодирга тақдир рўбарў қилган бу келинчакнинг исми Оэлун

эди. У Есугайнинг ҳаётига омад ва бахт келтириб, тўрт ўғил ва бир қизни ҳада этади. Аммо меркитлар бу ҳақоратни унутмайдилар.

Ииллар ўтиб, тахминан 1180 йилда меркитлар Темучиннинг йўқлигидан фойдаланиб, боржигинлар қароргоҳига ҳужум қилишади ва Есугайнинг иккинчи беваси Сочихелни ва Темучиннинг хотини Бўртени ўғирлаб кетишади. Бу вақтда Бўрте ҳомиладор бўлиб, айрим манбаларда у асирликда, яна бошқа манбаларда асирликдан озод бўлгач кўзи ёриган, дейилади.

Меркитлар босқинидан кўп ўтмай, Темучин жажират уругининг етакчиси Жамуха ҳамда кeroитлар хони Тоғрулхоннинг ҳарбий ёрдамига таяниб, меркитлардан Бўртени қайтариб олишга муваффақ бўлади. Селенге водийсида бўлиб ўтган жангда уч кўмондон бошчилигидаги аскарлар меркитларни бутунлай қириб ташлаши ҳам мумкин эди. Аммо Темучин Бўртени топгач, қочиб кетишга улгурган душманни таъқиб этмайди. Бу эса келажакда унга жуда кўп ташвишлар келтиради.

Темучин Кулон хотунни айнан қачон ва қай ҳолатда учратгани манбаларда турлича талқин этилади. Бадиий адабиётларда Кулон хотуннинг шахси борасида турли фикрлар мавжуд. Айрим адабиётларда у халқига омонлик устаб, ўзини Темучинга бахшида этган халоскор тимсолида, бошқа адабиётларда эса ўз халқининг хоин фарзанди сифатида тилга олинади. Бироқ барча маълумотларда Кулон хотуннинг фавқуллодда журъати, чўрткесарлиги, фаҳм-фаросати бирдек эътироф этилган ва унинг ҳаётига оид эътиборли лавҳалар баён этилган...

Меркитлар ўзларини ҳамиша энг кучли деб билар, шу сабаб ҳокимиятга асосий даъвогарлардан ҳисобланар эди. Қандайдир Темучин исмли шахсга итоат этишни ўзларига эп кўрмас эдилар. Аммо вақт ва вазият бутунлай ўзгача тус олар, Темучин бора-бора кучайиб борарди. Бу ҳақиқатни англаш эса меркитлар учун ҳақиқий азобга айланган эди. Темучинга омад қилиб боқиб, мўғул қабиаларини бирин-кетин маҳв этар, унинг қаридан кeroитлар ҳам, ҳатто найманлар ҳам қочиб қутула олмайди. Найманларнинг мағлубияти меркитларни саросимага солиб қўяди. Меркитларнинг қўшни қабиаларга ўлжа учун қилган ҳарбий ҳаракатлари бесамар кетиб, кийим-бош, рўзғор буюмлари ва озиқ-овқат етишмовчилиги уларни ҳалокат ёқасига келтириб қўйганди... Қаерга боришни ва кимдан нажот кутишни билмай, юраги ўртанган қабила бошлиқлари – Тохто беки ва Тайр Усун қолган меркитларнинг жонларини омон сақлаш учун Селенге дарёсининг юқори қисмига силжишни мақсад қилган эди.

Тайр Усун қабиладошлари томон кетаётиб, узоқдан ўзи томон келаётган отликқа кўзи тушади. Бироз ўтиб, отнинг жоловини моҳирона тутиб келаётган отлик қизи Кулон эканлигига амин бўлади.

– Бу ерда нима қиялсан? – қатъият билан сўрайди Тайр Усун.

– Отни ўзимга бўйсундирияман.
– Бу сенинг ишинг эмас, Қулон. Отни бўйсундириш эркаларга хос.

– Қачонки мени эгардан улоқтириб юборишга қодир от топилсагина, бу ишни бас қиламан, – дея қайсарлик билан жавоб беради Қулон.

Эгарда қоматини тик тутиб, мохирлик билан от чоптириб юрган қизига ўйчан назар солган Тайр Усун бўйи етган қизини турмушга узатиш вақти келганлигини ҳаёлидан ўтказди. Аммо Тайр Усун дилбандини ўздан узоклаштиришни истамас, шу сабаб Қулоннинг қўлини сўраган йигитларга рад жавобини берарди. Тайр Усуннинг ўй-хаёлларини қизининг жарангдор овози тарқатиб юборди:

– Мен кетдим, ота. Сизнинг келаётганингиздан барчани хабардор этай.

– Ҳа, қизим. Одамларга зудлик билан йўлга ҳозирлик кўришларини айт.

– Нима воқеа рўй берди, ота? – сўради Қулон.

– Душманлар, қизим. Тезроқ бўл.

– Қочиб кетамизми? – умидсизлик ва араз билан отасига юзланди қиз.

– Қочамиз, – алам билан таъкидлади Тайр Усун.

Қабила аҳли ўз қароргоҳларидан қўзғалиб, кўчиш тараддудини кўра бошлади. Одамларнинг йигилишига деярли икки кун вақт кетди. Тайр Усун аввалига ўзи билан ҳарбийларни ва бир неча ўзига яқин навкарларни оиласи билан кўчириб, тезроқ бу ерларни тарк этишни ўйлаган эди. Аммо душман хавфини сезган меркитлар орасида ваҳима кўтарилиб, уларнинг барчасини олиб кетишга қарор қилди. Вақт оз эди. Буни ҳамма ич-ичидан сезар, қабилада ҳукм сураётган нохуш кайфият, араваларнинг ғичирлашию чор-ва молларининг бетартиб овози, аёллар ва болаларнинг саросималаниши, ҳар қадамда душманлар шаънига айтилаётган қарғишлар, эркаларнинг отларига асабий қамчи солиши Тайр Усуннинг юрагига оғриқ берар, шу сабаб у буларни эшитгиси келмай олдинроқда кетиш учун отига қамчи босади.

Унга Қулон ҳамроҳлик қилди. Отасининг ёнида атрофни синчковлик билан кузатиб бораётган Қулон узокдан бир неча отликқа кўзи тушди. Қувонч билан: “Биз Тохто бекига етиб олдик”, – дея отга қамчи босиб, отасига ҳам қарамай олдинга интилди. Тохто беки бу ерда бўлиши мумкин эмаслигини англаган Тайр Усун ўзини ўнглаб, бу отликлар қимлигини аниқлагунича, қизи ўздан анча илдамлаб кетган эди.

– Тўхта! – дея бақирди у.

Аммо Қулон отасини эшитмади ёки эшитишни хоҳламади. Нима бўлганида ҳам энди кеч эди. Қулон отликларни яқиндан кўрганидан кейингина уларнинг бегоналигини пайқади ва бирданига отни ортга бурди. Отликлар унинг ортидан қувишга тушишди. Тайр Усун бирзум тўхтаб қолди. У ҳозир хоннинг аскарлари қўлига тушса, Қулон ва бошқа қабиладошларининг аҳволи қанчалар аянчли бўлишини яхши билар эди. Гарчи бу фалокатлардан қочиб қутулиш амримаҳол бўлса-да, сўнгги имкониятдан фойдаланиб, вазиятни юмшатиш учун қиличини қинидан чиқариб, бош кийимини қилич учига ўрнатди ва уни боши узра кўтарди.

– Ота, нима қиляпсиз? Булар душманлар-ку, – дея Қулон отасининг ёнига келиб тўхтади. Мўғул хонининг аскарлари уларга етиб олиб, узун найзалари билан ота-болани мўлжалга олдилар. Буйруқ беришга ўрганган Тайр Усун аскарларни чалғитиш учун баланд овоз билан:

– Тўхтанглар! Мен нойон Тайр Усун бўламан! Мен хон Темучиннинг ёнига боряпман, – деди.

– Хон Темучиннинг ёнига боряпман?! Ёлғончи. Меркитларнинг кучуги! – деди аскарлардан бири. Найзанинг ўткир учи заҳарли илоннинг боши сингари тўғри Тайр Усуннинг икки кўзи орасини нишонга олиб, аста-секин яқинлаша бошлади.

Отасига нисбатан қилинаётган ҳурматсизликка чидай олмаган Қулон қўлидаги қамчи билан отасига ўқталган найзани зарб билан урди ва:

– Отамга қўл теккиза кўрма, ифлос қул! – деди.

Қизнинг қилмишидан аскарлар орасида қулгу кўтарилиб, шу пайт уларга тангутлар бош кийимида темир қалпоқ кийиб олган бир киши келиб қўшилди. Аскарлардан бири унга:

– Ная, меркит Тайр Усуннинг шахсан ўзи қўлимизга тушди, – деди.

– Асир тушганим йўқ! Мен ўз ихтиёрим билан хон Темучиннинг ёнига кетяпман.

Ная қизиқувчанлик билан Тайр Усун ва юздан газаб ўти таралиб турган Қулонга бошдан-оёқ синчковлик билан назар ташлаб, ишонқирамай гап бошлади:

– Ўз ихтиёрим билан де? Ҳали мени ўлжадан бенасиб қолдирмоқчимисан? Бу сенга ким бўлади? – дея нойон Ная Қулонга юзланди.

– Бу – менинг қизим. Биз сизларга қарши қилич яланғочламадик. Шундай экан, бизга тегинишга ҳаққингиз йўқ, – деди Тайр Усун.

– Хон Темучиннинг олдида нима учун боряпсан? – сўради Ная.

Бу савол меркитлар нойонини жиддий ўйлантириб қўйди. Энди у муқаррар ҳалокатни бироз ортга суришни эмас, балки омон қолиш истагида эди. Фақат мағрур ва қайсар Қулон панд бермаса бўлгани. Душман аскарлари уни кўрганидан дарҳол ўлдирмадими, демак, тирик қолишга умид бор, деб ўйлади. Аскарлар Қулонни кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб турибди. Мардлик қилиб кўксини найзага тутиб берганида ҳам, қизининг ҳоли нима кечади?.. Қарама-қарши ўй-хаёллар гирдобиде беихтиёр:

– Хон Темучинга қизимни олиб боряпман, – деб юборди. Гап нимада эканлигини пайқаган қизининг нафрат билан қараб турувчи кўзларига қарашга ботина олмади.

Ная истехзо билан ота-болага назар ташлаб:

– Қизинг хонга керак, деб ўйлайсанми? – деб сўради.

Нойон Ная ҳамон масҳараомуз қулиб турган эса-да, унинг юзидаги аввалги виқор аломати чекина бошлаган эди. Тайр Усун ундаги бу ўзгаришни дарҳол пайқади ва вазиятдан фойдаланиб қолиш учун:

– Хонга нима кераклигини унинг ўзи яхши билади. Борди-ю, унга нима кераклигини сен ундан ортироқ билсанг, биз билан хоҳлаган ишингни қилишинг мумкин, – деди.

– Сенга бирон нима қилади деб ким айтди? Аксинча, сени ва гўзал қизингни қароргоҳимга меҳмонга таклиф қилмоқчиман. Кел, азиз меҳмоним бўл, – деди Ная нойон бўш келмай. Аскарларга эса Тайр Усуннинг одамларини қўриқлашни буюрди. Яқин атрофга чодир тикилиб, қўй сўйилди ва зиёфат бошланиб кетди. Ная меҳмон билан анча эҳтиёткорлик билан алоқа қилар, меркитларнинг ҳар бир ҳаракатини назорат остига олган эди. Қулонга эса алоҳида илтифот кўрсатарди. Қиз эса бу кўйга тушгани учун отасидан хафалигини яширмасди. Аскарларнинг сергаклигидан бу ердан қочишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ эди. Аммо Тайр Усун ўзгалар гувоҳлигисиз қизига дилидагиларни айтиб олишга улгурди.

– Қулон, газаб билан кўнглингни хира қилма. Сен бизни... ҳаммамизни қутқаришинг керак. Ёлғиз умидимиз сенсан, қизим.

– Ота, ўғлонларининг жасоратига эмас, нозик бир қизга умид қилган қабиланинг ғурури қани? Нахот, ўз жонингизни асраш учун мени душманларга раво қурсангиз?

Тайр Усунга қизининг гапи оғир ботди. Кулон унинг юзига тупурганида ҳам ўзини бунчалар ночор ҳис этмас эди.

– Сен мени, барчамизнинг ўлишимизни истайсанми? Майли, мен тайёрман! Тайёрман! – дея ўз сўзини таъкидлади.

– Йўқ, мен ҳеч кимнинг ўлимини истамайман. Мен энди сиз танлаб берган йўлни охиригача босиб ўтаман, – деди отасига тескари ўғирлиб ўтирган Кулон.

Ная уларни уч кун ўз қароргоҳида ушлаб турди. Уч кундан сўнг хоннинг ўрдаси сари йўлга тушишди. Йўл-йўлакай Ная Кулонга:

– Агар хон Темучин сени рад этса, ўзим сени қарамогимга оламан, – деди.

– Рад этади? – ҳайрон бўлди қиз. – Нега?

– Чунки унинг бир-биридан гўзал хотинлари бор.

– Мендан ҳам чиройлими? – Кулон жаҳл билан унга совуқ назар ташлади. – Қани айт, мендан-да чиройлими улар?

Ная нима дейишини билмай, қизнинг саволига кулгу билан жавоб қилди:

– Ҳа, уларнинг ҳар бирининг малоҳати ўзига хос. Қолаверса, шундай нозик масалани муҳокама қилишни унга ким қўйибди? Шундай зоти улуг маликаларни бир-бирига солиштиришга ботина олармиди...

Хон ҳузурига отланган йўловчилар хон Темучинни йўлда учратдилар.

Ная Тайр Усун қизини хоннинг ҳузурига келишув асосида олиб келяпти, деб уйлаган эди. Бироқ хоннинг Тайр Усунга нисбатан бу каби қўпол муносабати уни бир меркитнинг сўзига чув тушганидан дарак берарди. Ўзининг алданганини англаган Ная жаҳл устида оёғи билан Тайр Усуннинг этигига аста тепиб қўйди. Унинг бу ҳаракати Темучиннинг эътиборини тортиб, юзи тундлашди. Лабидаги нимтабассум йўқолиб, кўзларида шафқатсизлик аломатлари намоён бўлди.

– Хон, мени ҳеч ким қистовга олгани йўқ. Мен сенга бебаҳо бойлигим, қизимни олиб келаётган эдим. Сенинг жасур аскарларингга рўбарў келганимда, мен ярим йўлни босиб ўтган эдим, – деди Тайр Усун.

– Хўш, ёнимга етиб келишинг учун неча кун керак бўлди? – асабий гапни бўлди хон, – иккиюзламачилик ва тилёғламаликни кўрарга кўзим йўқ, – деди у.

– Хон, биз уч кун сенинг одамларинг қароргоҳида ушланиб қолдик.

– Шундай де? Демак, сен Ная, буларни шу пайтгача ушлаб турган экансан-да?

Ная нойоннинг ранги оқариб, оёғидан мадор кетди. Унинг тили каловланиб, орага совуқ сукунат тушди. Кутилмаганда Кулон ўзини тутиб тура олмай, хандон отиб кулиб юборди. Унинг кулгусида қувноқлик ва заҳархандалик жаранглар эди. “Қиз ақлдан озиб қолибди”. Тайр Усун хаёлига келган фикрдан қўрқиб кетди. Хон Темучин илк бор Кулонга назар солди. Ҳали кулишдан тўхтамаган қиз:

– Буюк хоннинг ҳузурига ўз ихтиёри билан келган меҳмонлар шундай кутиб олинар экан-да, – деди.

Кулоннинг кулгуси Темучиннинг кайфиятини кўтариб юборди.

– Эй сен, маржон тишли меркит қизи. Мен ҳақимда бундай гумонларга борма, қўрқмас хотун. Сени ўзим билан олиб кетаман. Сен эса Тайр Усун, одамларингни бу ерга бошлаб кел. Менинг ерларимга борасизлар.

Тайр Усун хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай боши қотди. Унинг боши омон қолди. Аммо хоннинг назорати остида унинг халқи эрки, ихтиёридан айрилади. У айна дамда қизига, Тохто бекига, халқига хиёнат қилганини англади. У хонга юзланиб: “Буюк хон, менинг одамларим сенинг ортингдан бора олмайди. Бизда от-уловлар кам. Бори ҳам тўхтовсиз жангу жадаллар оқибатида ҳолдан тойган. Сенинг учқур отларингга етиб олишлари маҳол”, – деди. Буни Ная нойон ҳам тасдиқлади.

Темучин кўп ўйлаб ўтирмай, ишончли одамларига меркитларни юзга бўлиб чиқиб, ўзининг одамларини юзбоши қилиб тайинлашини буюрди. Шу тариқа Тайр Усун мол-мулкдан ва эркидан айрилди.

Темучин кам сонли аскарларни қолдириб, ўзи йўлга тушди. Тайр Усун

жойидан қўзғалган қўшин ортидан қараб қолди. Хоннинг ёнида отда виқор билан кетаётган қизи тобора ўзидан узоқлашиб борарди. У қизини сўнгги бор кўриб туриши эди.

Тайр Усунга ўзи бошқарган халқ энди юзбошиларнинг амрига бўйсунуши алам қиларди. Шу аламли хаёллар билан бу вазиятдан қутулиш йўлини ҳам ўйлаб топди. Қабилadoшлари билан келишиб қоровулларни ва юзбошиларни ўлдириб, бу ерлардан узоққа қочиб кетишни ўйлади. Тонг саҳар уйкудаги мўғулларга ташланишди. Қўллари-га нима тушса, шу билан душманларни калтаклай бошладилар.

Темучин бу ерлардан анча узоқлашиб улгурган эди. Бироқ олисдан эшитилаётган шовқин-сурон унинг эътиборини тортиб, ортга қайтишди. Темучин ўзига хонлик қилган меркитлардан аёвсиз ўч олиб, уларни ер билан яксон қилди. Бу уруғдан фақат Кулон ва унинг акаси хоннинг шафқатига муассар бўладилар. Хоннинг эътиборига сазовор бўлган Кулон хотун хоқон саройидаги мартабали маликалардан бирига айланади.

Хоннинг меҳр-муҳаббатига суянган Кулон хотунни ҳеч ким меркит дея камсита олмас, аксинча, унинг Темучинга таъсири кундан-кунга кучайиб борарди. Бу орада Кулон хотун хонга Кулкан ва Хараҷар исмли паҳлавондек ўғилларни инъом этади. Шу сабаб Кулон хотун ёш бўлишига қарамай, малика Бўртени ўзига рақиб деб биларди. Бўрте ҳам мағрур, Кулонни хушламас эди.

Хонлар хони дея улугланиб, дунёга номи дoston бўлган Темучин 1206 йилда Чингизхон номини олиб, бу ном билан барчани бирдек титратса-да, аммо кундошларнинг ўзаро муносабатларига таъсир ўтказишга ожизлик қиларди. Кулон хотун ўғлининг ҳаёти учун Бўртедан шубҳаланиб, ҳамиша Чингизхонга шикоят қиларди. Ҳатто “Кулкан ярми меркит бўлгани учун Бўрте уни ҳеч қачон кечирмайди”, дея иддао қилиб, Чингизхоннинг кўнгил ярасини тирнаб қўяр эди. Буюк хоқон қанчалик ич-ичидан зил кетмасин, кўнглидаги ғашликни Кулонга сездирмасликка ҳаркат қиларди. Унинг малика Кулонга бўлган муҳаббати ўтли эди. Ўзга мамлакатларга босқинчилик юришларини амалга оширган чоғида ҳам маликани ўзига ҳамроҳ қиларди. Кулон нафақат ташқи гўзаллиги, балки ширин сўзларию макру ҳийлалари билан Чингизхонни ўзига ром қилиб, унинг хоҳиш ва қарорларига таъсир эта оларди.

Хоқон ҳар сафар жангу жадаллардан ҳориб, Кулон хотуннинг чодирига ташриф буюрганида, малика ўз қобилятини ишга солиб, уни ҳар хил кўринишда кутиб олар эди. Баъзан Чингизхонни хитой қизларидек нафис шойи матоларга ўраниб, кўзларида ёш билан, ватан туйғусини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар билан қарши олса, баъзида афсонавий қиёфага кириб лол қолдирарди.

Кулларнинг бирида Кулон хотун Чингизхонни ҳузурига чорлайди. Бу сафар малика чодир ўртасида ёнаётган гулхан ёнида кўзларини ерга тикиб ўтирар эди. Чодирдан жой олган шоҳона гиламлар, хитойдан келтирилган бежирим пардалар бир чеккага тортиб қўйилган эди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган ҳоқон нима сабабдан бундай қилганини сўрайди. Малика бу ерда қолишдан кўрқисини айтади. Бутун уруғини ўлдирган Жўчихон, куни келиб ўзини, акасини ва ёлғиз ўғлини ўлдириши мумкинлигини айтиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлайди. Поёнсиз саҳроларга бош олиб кетиб, тинч яшаш истагини билдиради. Албатта, ҳоқон бунга қарши чиқади ва маликанинг барча истагини бажаришга ваъда беради. Кулон вазиятдан фойдаланиб, ўғлини тахт вориси этиб тайинлашини ва тўнғич ўғлини узоқ юртларга нойон қилиб юборишини сўрайди. Чунки ҳоқоннинг вафотида қадар кичик ўғил вояга етиб, давлат тизгинини қўлга олиши мумкин эди.

Шаҳзода Кулканнинг мавқеи акалариникидан кам эмасди. Бироқ ҳоқон кичик ўғлини қанчалар ардоқламасин, барибир уни валиахд этиб тайинлашга ожиз эди. Шу сабабли Чингизхон Кулон хотунни тинчлантириб, малика ҳимояси учун олти юзта аскар ёллайди ва навкарбоши қилиб Кулон хотуннинг акаси Жамол Ҳожини тайинлайди. Кулон бу ҳаракати билан ўғлининг тахт вориси бўлишига эриша олмаса-да, акасининг навкарбоши этиб тайинланишига муваффақ бўлади.

Чингизхоннинг ҳаётига оид кўпчилик бадиий асарларда унинг табиадан ўта рашкчи бўлганлиги баён қилинган. Бунга қуйидаги воқеани мисол қилишимиз мумкин.

Ҳоқон қароргоҳидаги шоҳона базмлардан бирида тангутлар хони Бурхоннинг элчиси Ашаганбу ва жанубий Хитой императори томонидан юборилган элчи Мен Хунни ёш рафиқаси Кулон хотун билан бирга кутиб олади. Маликанинг эғнидаги қимматбаҳо тошлар ўрнатилган кўйлаги товланиб, бармоқларидан бўйнигача бўлган зебу зийнатлар барчани лол қолдиради. Ҳар иккала элчи ҳам тобора қудратли бўлиб бораётган мўғул ҳоқонига яқинроқ бўлишни истар эдилар. Маликанинг қаршисидан жой олган тангут элчиси қизиқарли воқеалар сўзлаб, маликани қулдирар эди. Бу эса базму жамшиддан кўнгли тўлиб ўтирган Чингизхоннинг эътиборини ўзига тортади ва унга қуйидаги мазмунда савол беради:

– ...Сенинг ҳукмдоринг бўлажак жангда менинг ўнг қанотимга келиб қўшилишга ваъда берган. Хоразмга қарши бўладиган жангда у ўз ваъдасида турадими?

Гўзал маликанинг суҳбатидан маст бўлган элчи Чингизхонга бепарволик билан жавоб қайтаради:

– Жанг қилмоқ учун сенда қўшин кам бўлса, унда ҳоқон бўлиб нима қиласан?

Беадаблик билан қайтарилган жавобдан ҳоқон ғазаб отиға минади. Агар тирик бўлсам ва жангдан ғалаба байроғини кўтариб қайтсам, сенга ва сенинг ҳоқонингга ким ҳоқон бўлишга ҳақли эканини кўрсатиб қўяман, деб қасам ичади. Элчини ҳузурдан улоқтириб юборишларини буюради.

Чингизхоннинг зафарли юришлари давом этади ва Хоразмга бостириб киради. Хоразмликлар мардонавор жанг олиб борсалар-да, ўз манфаатини кўзлаган хоинлар айби билан мўғулларнинг қўли баланд келади. Хоразм шаҳзодаси Жалолиддинга мадад берувчиларнинг айримлари оддий келишмовчиликлар сабаб уни ташлаб кетади. Ёлғиз қолган Султон Жалолиддин Ҳинд диёрига чекинади.

Чингизхоннинг Хоразмга қилган ҳарбий сафари давомида унга Кулон ҳамроҳлик қилади. У ҳар сафар бирон мамлакат билан уруш қилишни ихтиёр этса, сарой хонимларининг безовталана бошлаганининг гувоҳи бўлар эди. Чунки маликалар ҳар қандай ҳолатга тайёр туриб, ўғиллари учун жон қуйдиришарди. Гарчи Чингизхоннинг тўнғич хотини Бўрте маликалар ва



канизаклар орасида тотувликни сақлаб турган бўлса ҳам, шаҳзодалар улғайгач, олийнасаб хонимлар икки тарафга ажралган эдилар. Бир тарафда ҳоқонга тўрт ўғил ҳадя этган, мартабада барчадан улўғ бўлган Бўрте, иккинчи томонда ёш ҳамда мафтункор, ҳоқоннинг муҳаббатига асосий даъвогарлардан бўлган эрка Кулон турарди. Чунки ўзга маликалар дунёга келтирган ўғиллар гўдаклик чоғидаёқ вафот этган эди. Чингизхон агар Кулон хотунни ёлғиз қолдирса, у ҳокимият учун кураш бошлаб юборишини яхши тушунар, шунинг учун ҳам уни ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларининг бирида Кулон хотун ва унинг ўғли бетоб бўлиб қолади. Чингизхон рафиқасидан ҳар куни хабар олар, Кулон хотун танасидаги оғриқ кун сайин кучайиб бораётганини айтиб йиғларди. Кулоннинг дардига фақатгина Керулиннинг мовий сувларию она ватанининг тоза ҳавоси шифо бўлиши мумкин эди. Янги ерларни забот этиш орзуси ва сеvimли ёрининг инжиқликлари ҳоқонни қийнай бошлади. Кулон хотун доно вазир Елю Чу Цайни чақиртириб, ҳоқонни юртига қайтариш маслаҳатини қиладилар.

Чингизхон жангчилар жангу жадалдан толиққанини англайди ва ортга қайтишини эълон қилади. Бундан мўғуллар мамнун бўладилар. 1224 йилда Чингизхон мўғул ерларига қайтади. Гўзал баҳор фаслида улар Керулин қирғоғига келиб жойлашишади. Барча обрўли амалдорлар ва саркардалар йиғилиб, дабдаба билан базм ўтказилади. Шоҳона базмдан уч кун ўтиб, Кулон хотун бу ёруғ оламни тарк этади.

Кулон хотун бутун умр ёлғиз ўғлининг камолини кўриш орзуси билан яшади. Айнан Кулон хотуннинг шарофати билан Кулканнинг мавқеи Чингизхоннинг тўнғич хотини Бўртедан туғилган ўғиллариникидан кам бўлмаган. Шаҳзода Кулкан моҳир саркарда ва каттагина улуснинг эгаси бўлиши мумкин эди. Бироқ тақдир тақозоси билан унга бу даражага эришиш бахти насиб этмади. Онасининг ўлиmidан кейин у ҳам яшамади. Беаёв жанглارнинг бирида ҳалок бўлади. Жангу жадаллар, унга фидо бўлганлар тарих саҳифаларидан аста-секин йўқолиб кетса-да, Кулон хотуннинг фаҳму малаҳати асрларга татигулик афсонага айланиб қолади.

Раҳима БАЙМУҲАМБЕТОВА.

Мақола расмлари интернет саҳифаларидан олинди.

Фойдали, шифобахш

ИСИРИҚ

Исирик асабларни тинчлантирувчи, ёқимсиз ҳидларни йўқотувчи хусусиятга эга. Буюк бобомиз, бетақрор ҳаким Абу Али ибн Сино тавсияларига кўра, исирик суяк, бўғинлардаги оғриқлардан халос бўлишда, нервлар шамоллаши, бавосил, ичак, қораталокдаги хасталикларни даволашда ишлатилади. Исирик ўтидан 96 фоизли спиртда (1:1 нисбатда) 21 кун тиндириб қўйилиб, ажратма тайёрланади. Бу суюқликдан кунига 6-12 томчидан 3 маҳал ичилса, шол, паркинсон, шизофрения касалликларини даволашга ёрдам беради.

Халқ табобатида исирик ўтидан чой дамлаб ичилса, тутқаноқ, захм, буйрак хасталикларига ижобий таъсир ўтказиши дейилади. Уруғидан 7-10 донадан ютилса, ошқозон, ичак, жигардаги касалликларни даволайди.

Агар исириқдан ванна тайёрлаб, қабул қилинса, бод, теридаги муаммолардан фориғ бўлишга ёрдам беради. Бу муолажани қуйидаги тартибда тайёрлаш мумкин: 100 грамм исирик 10 литр усти ёпиқ сув идишга солиб, 15-20 дақиқа қайнатилади. 20 кун давомида кунора 30-40 градусли иссиқ сувга исирик ажратмасини қўшиб ванна қабул қилиш мумкин.

Исирик тутатиш билан шол, қизамиқ, безгак каби касалликлар тарқалишининг олди олинади. Бундан ташқари, исирик дуди аёллардаги тўлғоқни ҳам тезлаштиради.



ЖАФ-ЖАФ

Жаф-жаф бизнинг ҳудудларда жуда кўп учрайдиган шифобахш ўт ҳисобланади. Унинг таркибида аскорбин кислота, органик кислоталар, К витамини, флавоноидлар, сапонинлар ва ошловчи моддалар бор. Тиббиётда қон тўхтатиш, пешоб ҳайдаш учун ишлатилади. Даволувчи хусусиятга эга бўлган дамламани уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин.

Жаф-жаф ўтини обдан ювиб, майдалаб, ундан 2 ошқошиғини қопқоқли идишга солиб, устидан 450-500 мл. қайноқ сув қўйилади. Сўнг 15 дақиқа сув ҳаммомида димланади. Совугач, сузиб олинади. Ҳар куни овқатдан сўнг 2-3 қошиқдан ичилса, бурундан, аёллар бачадонидан қон кетишини тўхтатади. Бу дамба ошқозон яллиғланганда, бавосил, ичбуруғ каби хасталикларни даволашда ҳам ёрдам беради.

Жаф-жаф барра ўтининг ширасини қайнатилган сувда (1:1 нисбатда) суюлтириб, кунига бир ошқошиқдан уч маҳал ичилса, яралар, яллиғланишлар туфайли юзага келган оғриқларни енгиллаштиради.


Бу ўтнинг барглари салатларга қўшиб ҳам истеъмол қилса бўлади.

ИСМАЛОҚ

Исмалоқнинг пояси (ер устки қисми) таркибида каротин, С,В витаминлари, қандлар, органик кислоталар, оксил ва бошқа моддалар бор. Бу шифобахш ўт эрта баҳорда гуллашдан олдин йиғиб олинади. Барра ҳолатида обдан тозалаб ювиб, майдалаб тўғраб, ундан сомса, чучвара каби тансиқ таомлар тайёрлаш мумкин. Бу таомлар ични юмшатади, иммунитетни кўтаради.

Исмалоқдан тайёрланган дамба шифобахш хусусиятга эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Дамба қуйидагича тайёрланади: 1 ошқошиқ майдаланган барра ҳолатидаги исмалоқ барги 250 мл. сувда 10 дақиқа қайнатилади. 1 соат давомида тиндириб қўйилади ва сузиб олинади. Кунига 50 мл.дан 4 маҳал ичилса, камқонлик, қабзият каби касалликлардан халос бўлишга ёрдам беради. Ундан ташқари, бу дамба билан тез-тез чайиб, томоқдаги, милкдаги яллиғланишларни даволаш мумкин.





“БАҲОРИЙ” салат

Керакли масаллиқлар:

200 мл. сметана, 1 боғдан исма-
лоқ, редиска ва кўкпиёз, 3 дона ту-
хум, 3 та бодринг, салат барги, ши-
вит, туз, мурч.

Тайёрланиши:

Кўкпиёз ва шивит майда тўғралади.
Исмалоқни ювиб, майдаланган кўкат-
лар билан аралаштирилади.

Бодринг ва редиска ярим ой, пиёз
эса ҳалқа шаклида тўғралиб, сўнг тўрт-
га бўлинади.

Барча масаллиқлар аралаштирилгач,
унга туз, мурч ва сметана қўшилади.
Тайёр салат юзаси таъбга кўра безати-
лади.



“МАЙ” салат

Керакли масаллиқлар:

300 гр. қайнатилган мол гўшти, ярим боғ барра
саримсоқпиёз, биттадан бодринг ва помидор, 1 бош
пиёз, 2 ошқошиқдан зайтун ёғи ва соя соуси, шакар.

Тайёрланиши:

Қайнатилган мол гўшти, бодринг ва помидор со-
монча шаклида тўғралади.

Пиёзни ярим ҳалқа шаклида тўғраб, унга 1 ошқошиқ
соя соуси билан бирга озгина шакар қўшилади.

Саримсоқпиёз майдалангач, барча масаллиқлар,
соя соуси ва зайтун ёғи ҳам қўшиб аралаштирилади.
10 дақиқадан сўнг тузи ростланиб, дастурхонга тор-
тилади.

ГУЛКАРАМЛИ салат

Керакли масаллиқлар:

200 гр. гулкарам, 100 гр. помидор, 100 гр. бод-
ринг, 1 бош пиёз, 1 ошқошиқ сметана ёки майо-
нез, таъбга кўра туз.

Тайёрланиши:

Тузли сувда қайнатиб пишириб олинган гулка-
рам бўлакларга бўлинади. Майда тўғралган пиёз,
тўртбурчак шаклида тўғралган помидор ва боди-
ринг гулкарам билан аралаштирилади. Аралашма-
га таъбга кўра сметана ёки майонез, туз
қўшиб, дид билан безатилган ҳолда
дастурхонга тортилади.



ДИЛСОРА тайёрлади.

САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг ижтимоий-
сиёсий, адабий-бадий,
безакли журнали
1925 йилдан чиқа бошлаган

3-сон (907) 2020 йил

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-
қувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА
Элмира БОСИТХОНОВА
Муҳаббат ШАРОПОВА
Дилбар НАЖМУТДИНОВА
Ойдин ҲОЖИЕВА
Энахон СИДДИҚОВА
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Гавҳар АЛИМОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Бўлим мудир:
Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусахҳиҳ:
Махсума ЭРГАСHEВА

Саҳифаловчи:
Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани
Мирзакалон Исмоилий Г-1.
E-mail: info@saodat-gul.uz
Веб сайт: www.saodat-gul.uz
Тел.: (71) 202-70-04, 202-70-05

Босмахонага **19.03.2020** йил
топширилди.

Қоғоз бичими **60x84 1/8**.

Ботиқ босма.

Нашр ҳисоб тобоғи **5,75**.

Индекс – **867**

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил
22 декабрда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0061-рақам
билан рўйхатга олинган.


“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Буюртма **№892**. Адади **2830**.

Баҳоси келишилган нархда.

Ушбу сонда:


- 2 **КУН НАФАСИ**
Халқ бой бўлса,
давлат бой бўлади
- 6 **МЎЎТАБАР АЁЛ – 2020**
Азизим, лобарим,
севаримсизлар...
- 9 **САОДАТЛИ КУНЛАРИМ**
Токим, бу дарёлар
бемалол оқсин
- 10 **ҚАДРИЯТ**
Тепаликдаги оҳанг
- 14 **ШЕЪРИЯТ**
Орзу қанотида
учмоқни ўрган...
- 18 **НАСР**
Саҳифалар ифори
- 22 **ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИДАН**
Синмаган вафо
- 26 **ЖАҲОНГА МАШҲУР АЁЛЛАР**
Кулон хотун




Биринчи муқовада:

Ўзбекистон давлат консер-
ваторияси “Мақом хонанда-
лиги” кафедраси ўқитувчиси
Мамлакатхон УЛАШЕВА Зулфия
номидаги Давлат мукофотиға
лойиқ кўрилгач, санъат ва жа-
миятда катта муваффақиятлар-
га эриша бошлади.

(Санъаткор ҳақидаги мақолани
журналнинг 5-саҳифасида ўқинг).



10



18



26

“Саодат” журналі индекси – 867.
Журналнинг бир сони учун белгиланган
нарх – 10.000 сўм. Бир йилга – 120.000 сўм.
Бу нархга почта ва йўл харажатлари қирмайди.

Наманган вилояти



Азимова Дилафрўз Аламхон кизи – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 4-босқич талабаси



Тожибоева Олимахон Икромжон кизи – Наманган вилояти Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Самарқанд вилояти



Мусулмонова Камола Хусниддин кизи – Самарқанд давлат университетининг 2-босқич магистранти



Усмонова Нуриниссо Олимовна – Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси

Сирдарё вилояти



Мухамадиева Ситора Шухратжон кизи – Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси



Саматова Шахноза Ортиқбой кизи – Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси

Сурхондарё вилояти



Абдураззоқова Рухшона Илҳомжон кизи – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси



Қайимова Сабина Олимовна – Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тўғарак раҳбари

Тошкент вилояти




Болтаева Мохира Матёқуб кизи – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси



Жалолова Моҳинур Зиёвуддин кизи – П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 11-синф ўқувчиси

Фарғона вилояти



Ҳабибуллаева Нозима Хайрулло кизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич магистранти




Ҳомидова Насиба Юнусжон кизи – Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали 1-босқич магистранти

Хоразм вилояти



Алимова Махлиё Маҳмуд кизи – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 6-босқич талабаси



Шарипбаева Назоқат Қуролтой кизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Тошкент шаҳри



Дзивинская Юлия Станиславовна – 2-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси



Тоғаймуродова Шахноза Шухрат кизи – Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси,
истеъдодли rassom Гулнора РАҲМОНнинг миллий
руҳияти ёрқин аксланган асарлари санъатсевар
халқимиз меҳрини қозонган.



Мутолаа